

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҲАМДА АВВАЛ БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 6-7 МАЙ КУНЛАРИ ФАРФОНА ВИЛОЯТИДА БЎЛДИ.



ҲУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 9-МАЙ, №19 (1164)

ТЕЗКОР-КИДИРУВНИНГ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ЭМАСЛИГИ САБАБЛИ КИДИРУВДАГИ ШАХСЛАРНИНГ 59,5 ФОИЗИ УШЛАНМАГАН.

ВОЛИДАСИДАН МЕХРИНИ ДАРИФ ТУТГАН ИККИ ЎФИЛ МОДДИЙ ТАЪМИНОТНИ ҲАМ ЁЛЧИТИШМАДИ.

САЙЛОВ МАҲАЛИ ҚОП-ҚОП ВАЪДА БЕРГАН РАИСЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҲАМ АҲДЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛИШАВЕРМАЙДИ.

ИККИ ФИРИБГАР 40 НАФАР ФУҚАРОНИНГ АВТОМОБИЛЛАРИНИ "ВАРИАНТ"ГА ОЛИБ, СОТИБ КЮБОРГАН...



МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ҲУДУДЛАРДА ФАХРИЙЛАРГА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 74 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИКНОМАСИ ВА ПУЛ МУКОФОТИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛМОҚДА.

НАФСИГА ҚОЗИ БЎЛМАГАН СУДЬЯЛАР



АДОЛАТ ПЕШВОЛАРИ БЎЛГАН СУДЬЯЛАРНИНГ ЎЗИГА НИМА УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ?..

ҚИЗИЛ ГУВОҲНОМА ҚАЙСИ ОРГАННИКИ?

ЎЗИНИ ГОҲ СОЛИҚ, ГОҲ ПРОКУРАТУРА ОРГАНИ, БАЪЗИДА ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ХОДИМИ СИФАТИДА ТАНИШТИРГАН ФИРИБГАР БИР НЕЧА ФУҚАРОЛАРНИ ЧУВ ТУШИРИБ КЕТДИ.

ЧИРОҚ ЁҚМАЙ «ТОПИЛАДИГАН» ЖАРИМА

КУННИНГ ЁРУФ ВАҚТИДА БАРЧА АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЯҚИННИ ЁРНТУВЧИ ЁКИ КУНДУЗГИ ЧИРОҚЛАРНИ ЁҚИБ ҲАРАКАТЛАНИШИ ШАРТ АКС ҲОЛДА ЭРТАДАН ЯЪНИ 10 МАЙДАН ЖАРИМАЛАР ҚУЛЛАНИЛАДИ.



САБР ТАГИ...

Газетамизнинг жорий йил 28 февралдаги 9-сонида Қарши шаҳрида ичимлик суви муаммоси ҳақидаги "Қоғозда қолган лойиҳа: қаршиликлар ичимлик суви келишини кута-кута чарчашди" номли мақола чоп этилган эди. Таҳририят 30 апрель куни Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Азизовдан ушбу мақолага жавобан қуйидаги мазмундаги хатни олди. Хат таҳрирсиз, имловий хатолар тўғрилланган ҳолда берилмоқда.

2019 йил 12 мартдаги 29/66-19-сонли хатга:

"Хуқук" газетасининг 2019 йил 28 февралдаги 9-сонида чоп этилган "Қоғозда қолган лойиҳа" номли мақола бўйича куйидагиларни маълум қиламиз.

Қарши шаҳар "Комилон" маҳалласининг "Лолобоғ", "Булок", "Зардўзлик", "Комилон", "Тошўрик", "Тўпхона", "Туркистон" ва "Хитой" кўчалари Осиё тараққиёт банки иштирокидаги инвестиция лойиҳаси объектлари рўйхатида киритилмаганлиги сабабли лойиҳа доирасида қурилиш ишлари бажарилмаган.

Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан Қарши шаҳар лойиҳани амалга ошириш гуруҳи буюртмачилигида ЭСЕР-4 компания томонидан "Комилон" маҳалласининг "Муқимий" кўчасида ичимлик суви қувури тармоғи қуриб фойдаланишга топширилган ва ҳозирги кунда тармоқ тўлиқ қувват билан ишлармоқда, қурилиш довомида бузилган асфальт қатлами тўлиқ қайта тикланган.

Маҳалланинг "Лолобоғ", "Булок", "Зардўзлик", "Тошўрик" ва "Тўпхона" кўчалари умуман ичимлик сувидаги уланмаганлиги тўғрисидаги даъволари мутлақо асоссиздир, тармоқларнинг маънан эскирганлиги ҳамда керакли босим берилмаслиги сувнинг чиқмаслиги ёки кам миқдорда чиқишига сабаб бўлмоқда.

"Комилон" маҳалласи аҳолисининг ҳақли эътирозларини инобатга олиб, ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ишларини 2020-2024 йилларга мўлжалланган дастурга киритиш режалаштирилган.

Бундан тошқари, "Комилон" маҳалласи келгуси йилларда "Обод маҳалла" дастурига киритилиб дастур доирасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари, жумладан ичимлик суви тармоқларини алмаштириш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

"Ўрганиб қолсанг, бировнинг ошига, кунда борарсан анинг қошига", деганларидек, пул, мол-дунё орттиришга руҳу қўйган одам борган сари инсофиймонини йўқотиб, ўз фойдаси йўлида ҳар қандай тубанликдан ҳам тоймайди. Дарҳақиқат, порахўрлик, тамағирлик ва коррупция жамият тараққиётига ғов бўлувчи, давлат манфаатларига мутлақо зид иллат экани борасида ортиқча изоҳга ҳожат бўлмасда-да, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ходисалар бу ҳақда яна бир бор фикр юритишга мажбур қилмоқда.

НАФСИГА ҚОЗИ БЎЛМАГАН СУДЬЯЛАР

Пул берсанг, ажраштираман

Фирдавс ЯШНАРБЕКОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ўтмишда порахўрлик, яъни коррупция бўлмаган десак, янглишамиз. Албатта, бу иллат инсоният танасига асосан "нафс" қиёфасида зулукдек ёпишиб, давлат асосларини емириб, жамият тараққиётига тўсиқлик қилиб келмоқда.

Сўнгги пайтларда айрим амалдорларнинг порахўрлиги билан боғлиқ ҳолатлар ҳали олдимизда турган ишлар юқини белгилаб бермоқда. Зеро, жамиятда бир нафар бўлса-да, порахўр ёхуд коррупция қулига айланган амалдорнинг чиқиши халқнинг давлат ва раҳбарларга бўлган ишончига жиддий путур етказадди. Боз устига, ўша бевурд амалдор Ўзбекистон Республикаси номидан қарор қабул қилдиган судья бўлса-чи?! Бундан мудҳиш манзара бўлмас керак. Ахир айтишди-ю, "Қози муттаҳам бўлса, додингни кимга айтасан", деб... Қолаверса, ҳуқуқни муҳофазга қилувчи идора ходимининг тамағирлик қилиши, ҳузурига адолат истаб келган инсоннинг "қулига қараши" нафақат ўша адолат посбонининг номига, балки бутун бошли идора обрўсинга, ҳамкасбларининг нуфузига ҳам путур етказадди.

Жорий йил январь ойида жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида ана шундай қинғирликка қўл урган судья ва унинг ёрдамчисига нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро суди судьяси А.М. даъвогар А.Э.нинг жавобгар Б.Р.га нисбатан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича уларга ўзаро ярашишлари учун 3 ой муддат бериш тўғрисида ахрим чиқаради. Кейин эса ёрдамчиси Д.Ж. орқали А.Э.га шарт қўяди. Яъни агар 500 АҚШ доллари бермаса, 3 ойлик муддат ўтгандан сўнг даъво аризасини рад қилишини айтиб, даъвогарни пора беришга мажбур қилади.

Орадан бир haftача вақт ўтган, А.Э. судья ёрдамчиси Д.Ж. билан боғлиқ, учрашув белгилайди. Д.Ж. айтилган жойга келгач, "Судья айтган 500 АҚШ доллари", дея унга пулни узатади. Судья ёрдамчиси пулни олиб, машинадан тушган вақтда қўлга олинади. Шундан сўнг у топширган ариза юзасидан тадбир давом эттирилади ва А.М.

хизмат хонасида ёрдамчисида 500 АҚШ долларини олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланади.

Суд томонидан А.М.га 3 йил мансабдорлик лавозимларида, суд ва ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 9 йил муддатга озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Д.Ж.га эса 2 йил мансабдорлик лавозимларида, суд ва ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Судьянинг ўйини

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси З.И. ҳар ишда моҳир, уддабурон чиқиб қолди. Йўқса, ўзининг иш юритувидаги фуқаро М.А.нинг Урганч туман ҳокимлиги зиммасига ерга эгаллик ҳуқуқини белгилаш мажбуриятини юклаган ҳақидаги даъвосини рад қилиш ҳақида хал қилув қарори қабул қилиб, ушбу қарор апелляция судлов ҳайъати томонидан ҳам ўзгаришсиз қолдирилганлигини билгани ҳолда, бу ҳолатдан унумли фойдаланиб қолгани режалаштирарми?! Яъни М.А.нинг ишончли вакили А.Э.га ушбу низоли масалани пойтахтдаги раҳбарли билан гаплашиб, унинг фойдасига хал қилиб беришини ваъда қилади. А.Э.нинг ишончига киргач эса, мазкур хизмат учун 12 минг АҚШ доллари бериш лозимлигини таъкидлаб, уни кўндиради.

Адолат пешвоси З.И. 2018 йилнинг декабрь ойида даъвогарнинг ишончли вакили А.Э.дан талаб қилинган пулларни олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Суд икки нафар фуқаронини алдаб, мансабини суистеъмол қилган тамағир судьяни 2 йил муддатга мансабдорлик лавозимларида, суд ва ҳуқуқни муҳофазга қилувчи органларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга 10 йил озоқликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГАН ИШОНЧ ПАНЖАРА ОРТИГА ЕТАКЛАДИ

Алишер АЗАМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори

Аммо шундай бўлса-да, айрим юртдошларимиз бундан тегишли ҳулоса чиқармай, ўзларига билдирилган ана шу ишончли суистеъмол қилмоқдалар. Жумладан, 2017 йилда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди томонидан Володя Самойлов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли, деб топилиб, унга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Маҳрум жазони ўташ учун Чилонзор туманидаги "Fayz servis ikkinchi" ХУЖМШга ишга жойлаштирилган. У мазкур жойда 2018 йилнинг 1 апрелигача ишлаб, кейин ўз аризасига кўра ишдан бўшаган. Бошқа жойга ишга кирамай, жазо муддатини ўташдан бўйин товлаб юрган.

ЖИБ Чилонзор туман судининг 2018 йил 28 сентябрдаги ахрими билан Володя Самойловга ишга жойлашгани ва суд томонидан тайинланган жазони ўтаётганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиш учун 10 кун муддат берилган. Шундан кейин ИИО ФМБ бош-

лиги судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, маҳрум В.Самойлов янги ишга жойлашмагани, келгусида яна жиноят содир этиши мумкинлигини кўрсатиб, ўталмай қолган жазо муддатини озоқликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиришни сўраган.

2018 йил 10 декабрда ЖИБ Чилонзор туман суди тайинланган жазони ўташдан қасдан бўйин товлаб юрган В.Самойловга белгиланган ва ўталмай қолган 2 йил 3 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддатини озоқликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш ҳақида ахрим чиқарди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзобод туман судининг 2016 йил 25 июлдаги ҳукмига кўра ЖКнинг тегишли моддалари билан айбли, деб топилиб, 7 йилу 6 ой муддатга озоқликдан маҳрум этилган Константин Збруев ҳам қонун-қондаларни менсимасликда В.Самойловдан қолтишмас экан. Йўқса, ЖИБ Навбахор туман судининг 2018 йил 10 февралдаги ахримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан, ўталмай қолган 3 йил 3 ой 28 кун жазо муддатини шу муддатга иш-

ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилганидан тегишли ҳулоса чиқариб, меҳнати билан ўзига билдирилган ишонччи оқлашмасиди?!

Аммо у бундай йўл тутмади. Аксинча, "Just tasty food" ХКга ишга жойлашиб, 2018 йил 2 июлгагина фаолият юритиб, жазо муддатини ўтаб келди-ю, тўсатдан ўз аризасига кўра ишдан бўшади. Шундан кейин ҳам жазо муддатининг қолган қисмини ўташни хаёлига ҳам келтирмай, бошқа жойга ишга жойлашмади.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан белгиланган жазо муддатини ўташдан қасдан бўйин товлаб келган К.Збруевга ўталмай қолган 3 йилу 1 ой 28 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддатини озоқликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш тўғрисида ахрим чиқарилди.



Кечиримлилик — халқимизга хос фазилат. Адашиб ҳуқуқбузарлик қилган ёки жиноят кўчасига қадам қўйиб, бундан пушаймон бўлган, афсус-надомат чеккан инсон имкон қадар кечирилади, афв этилади. Айниқса, мамлакатимизда инсон омили энг юқори даражага кўтарилди, уни қўллаб-қувватлаш эса давлат сиёсатининг асосий мезонига айланди.

БОШ ПРОКУРОР ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ



Жорий йилнинг 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлисининг иккинчи куниди сенат аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Муҳокамада прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонун билан ҳимоя қилинаётган жамият ҳамда давлат манфаатларини таъминлашга, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилгани таъкидланди.

Қўрилган чоралар натижасида ҳисобот йилида жиноятчиликни ўтган йилга нисбатан 33,5 фоизга камайтиришга эришилди. 9 022 та маҳалладан 2 301 тасида (25,5%) бирорта ҳам жиноят содир этилмаган. "Global law and order" халқаро ташкилоти маълумотларига кўра, Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз давлатлари рейтингинда Сингапур, Норвегия, Исландия, Финляндия давлатларидан кейин 5-ўринни эгаллади.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида асосий эътибор жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг асл сабабларини аниқлашга, бунга шароит яратиб берган омилларни бартараф этишга қаратилди. Бу йўналишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда "хавфсиз шахар", "хавфсиз туризм", "хавфсиз сонодон" тизимлари жорий этилди. Бош прокуратура Академиясида Жиноят содир этиш сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ташкил этилди, маҳаллардан кесимида жиноятлар сони ва турини таҳлил қилиш имконини бевуқиб электрон геоаборот хариталарини жорий қилиш ишлари бошланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг саломатлигини сақлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ёрдамга муҳтож ва кам таъминланган фуқароларни ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар натижасида 28 807 та оилага ёрдам кўрсатилди, фуқароларнинг 400 мингдан ортиқ муаммоси ҳал этилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тадбиркорлик субъектларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларини тушунтириш ва иқтисодий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича 68,7 мингта тадбир ўтказилди. Тадбиркорлик билан қонуний шугулланган 3 483 нафар шахснинг рўйхатдан ўтиши таъминланди, 9,2 минг фуқарога тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Қарийб 2 000 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, хуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 8 146 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 3 392 та маъмурий ва 4 178 та жиноят иши кўзга тилди. Жиноят ишларининг 617 таси тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши, 1 731 таси мансабдорлик жиноятлари, 542 таси пул маблағларининг қонуний айланмаси билан боғлиқ, 986 та яширин цех фаолияти тугатилиб, 8,6 милли-

ард сўмлик қонуний ишлаб чиқарилган маҳсулот олиб қўйилди. Шу билан бирга, валюта жиноятларига чек қўйиб, 9,8 миллион долларлик нақд чет эл валютаси ва 3,5 миллиард сўм олиб қўйилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳисобот даврида 1 907 нафар мансабдор шахс турли кўринишдаги мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оқсатириш, коррупцияга мурасасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида 6 819 та учрашув ўтказилди, оммавий ахборот воситалари орқали 948 мартаба чиқиш уюштирилди.

Ҳисобот даврида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Қелиб тушган жами 47 7495 та мурожаатнинг 291 413 таси бевосита прокуратура органлари

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилиб, Бош прокуратурада амалга оширилган ишлар ҳақида қуниқ ахборотларни жамлаш ва таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда дастурларнинг ижроси устидан онлайн режимда мониторинг олиб бориш имконини берадиган электрон дастур ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, 11,4 миллиард сўмлик иш ҳақи, пенсия, алимент ва бошқа тўловларни олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Қонуний ҳужжатларга 1 437 та протест келтирилди, қонун бузишларни бартараф этиш ҳақида 539 та тақдимнома киритилди, 11,8 миллиард сўмлик зарарни ундириш ҳақида судларга 960 та ариза берилди. 1 580 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 261 та жиноят иши кўзга тилди.

Ҳисобот даврида прокуратура органлари томонидан энергетика ресурслари учун қарздорликни камайтириш бўйича муҳим вазифалар бажарилиди. Жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Маъмурий ижро бюроси томонидан қўрилган чоралар натижасида 28,1 триллион сўм ундирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2018 йил якунида энергия ресурслари ва ичимлик сувидан қарздорлик ўтган йилга нисбатан 70,3 миллиард

сўмга камайти. Суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида 16,4 триллион сўм ундирилди.

Шу билан бирга, фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича прокурор назоратини янада қучайтириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, жиноятларни ҳисобга олмай яшириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларини бузиш, ор-номус ва қадр-қимматни топташ ҳолларига тўлиқ барҳам берилмаётганлиги қайд этилди.

Тезкор-қидирув ишлари лозим даражада олиб борилмагани натижасида жиноятларнинг 3 737 таси ёки 15,7 фоиз фож этилмади, қидирувда бўлган шахсларнинг 8 188 нафари ёки 59,5 фоизи ушланмади.

Ҳисобот даврида 1 100 нафар вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилгани фуқароларнинг бу тоифасини ижтимоий ҳимоя қилиш, ўқитиш, улар қаровсиз қолдирилишининг ва улар орқасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб турибди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари давлат бошқаруви ва назорати органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашishi, муаммоларни ҳал қилишда сустилик қилиш ҳолларига чек қўйишга устувор даражада аҳамият бериши кераклиги таъкидланди. Муҳокама якуни бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Умуман олганда, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 23 та масала, шу жумладан 8 та қонун қўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси сенаторлари томонидан маълумланган қонунлар жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини янада мухтожамлашга,息лохотларнинг изчиллигини таъминлашга, шунингдек халқро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Ўз муҳбиримиз

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ҚИЗИЛ ГУВОҲНОМА ҚАЙСИ ОРГАНИКИ? фуқароларни алдаб келган "ходим" га жазо тайинланди

Кунларнинг бирида Кумқўрғон бозорига савдо қилувчи Дилдора Нортоева (исм-фамилиялар ўзгартрилди) кўчада бир одам билан танишиб қолади. Ҳалиги шахс сўбат асосида қизил рангдаги, сиртига герб туширилган гувоҳноманинг ичини очмасдан аёлга кўрсатиб, солиқ идорасида ишлайман, дейди. Аслида бу гувоҳноманинг ичига "Маллабоев Илҳом Алишерович. Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси етакчи мутахассиси", деб ёзилган эди.

Эртага бозорни солиқчилар текширишди, деб содда аёлни алдайди И.Маллабоев. — Сиз сарсон бўлмайсиз, дўконингизга киришмайди. Дўкон рақами билан 1 миллион 500 минг сўм беринг, бўлди, — дейди. Д.Нортоеванинг дўконига сотиш учун хар ердан келтирилган турли кийим-кечақлар бўлгани учун аёл бироз кўрқади ва Илҳомнинг тақлифига рози бўлади. Узаро келишиб, 1 миллион 100 минг сўм пул беради.

Сохта гувоҳнома билан дастлабки "ўлжа"ни кўлга киритган И.Маллабоев қилган ишдан мамнун бўлиб, мийғида қулиб қўйди ва кейинги иши учун режа тўзди. Вилоят марказидан пойтахтга қатнайдиغان таксилар атрофида айланиб юриб, шериги билан гаплашиб турган бир аёлнинг сўзларига қўлоқ тутди. Бу аёлнинг ҳарбий қисмга ишга кириш учун ҳужжат топ-

Бир думалаб "прокуратура ходими" қиёфасига кириб олган фибрибгарга дўкондор 850 минг сўмлик кийим-кечақларини тутқазиб юборди.

ширғанини, аммо анчадан буён иши ҳал бўлмаётганини билиб олди. Шериги билан хайрлашиб, таксига ўтирган ўша аёлга гарчи манзили бўлма-са-да, шерик бўлиб, машинага чиқди. Йўл-йўлакай гаплашиб кетишди ва аёлга яна ўша сохта гувоҳномани кўрсатиб, чегара кўшинларида ҳарбий бўлиб ишлагани, агар 10 миллион сўм берса, ишини тезда ҳал қилишини айтиб, уни ҳам алдади. И.Малла-

боевнинг алдовларига ишонган Мунира Жобирова уйдан 2 миллион сўм олиб, унга бериб юборди. Шунча пулни кўлга киритган фибрибгар, кўп ўтмай телефон рақамини ўзгартариб, ғойиб бўлди.

Термиз шахар бозорига кирганда, фуқаро Ҳусния Қодирова ўзига тегишли "Samsung Galaxy" телефонини сотмоқчи бўлиб турганида, уни ушлаб, ўзини хавфсизлик ходими, деб таништириб, гувоҳномасини кўрсатади ва телефонини олиб қўйди. Узаро сўбатда 300 минг сўм берса, қўйиб юборишини айтиди. Ноилож қолган Ҳ.Қодирова у талаб қилган пулни беради. И.Маллабоев пул ва телефонни кўлга киритгач, воқеа жойидан жуфтаник ростлайди.

Текин пул мойдек ёқаётган И.Маллабоев бу сайр бир думалаб "проку-

Шерзод АЗИЗОВ, Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

ратура ходими" қиёфасига кириб, Олтинсой туманидаги "Қорлик" бозорига боради. У ерда савдо қилувчи фуқаро Парви Бурхоннинг дўконига кириб, гувоҳномасини кўрсатади ва гўёки камчиликларни кўрсатгандек бўлиб, унга пўнса қилади. П.Бурхоннинг саросимага тушганини сезгандан сўнг эса, бугун бошлиягининг туғилган кун эканини, совга-салом олиб бериб юборса, уни доим ҳимоя қилишини айтиди. Бу вазиятдан фойдаланган И.Маллабоев дўкондан 850 минг сўмлик турли кийим-кечақларни олиб чиқиб кетади.

И.Маллабоев шу тарихга яна бир неча ҳолатда ўзининг орган ходими эканини айтиб, фуқароларнинг пуллари ўзлаштиради. Бироқ бузоқнинг югургани сомонхонага, деганларидек, сохта ходим кўлга тушиди.

Суд судланувчи И.Маллабоевга тегишли жазо тайинланди.

Жорий йил 2 май кўни «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

БОЛАНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

уни ёмонга айлантиришади

Кечкурун ишдан қайтсам, уйимиз олдида бир гуруҳ хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кўни-кўшнилардан нималарнидир сўраяпти. Кўнглим бир ёмонликни сезгандай сескандим.

Чунки бу соҳа ходимлари айланиб қолдимки, демак, нимадир бўлган деган фикр онгимдан доим яшин тезлигида ўтади. Уларнинг олдида етган ҳам эдимки, мени ҳам тўхтатиб, саволлар бера болашади. Гап нимадалигини шунда англадим.

Кўшминининг 15 ёшли ўғли Достон жуда одобли, ақли, ҳурмат-иззатни билангина бола. Айтишларича, у мактаби олдидаги уйлари билан бирга ўғирликка кирганимиз. Ўзини эса топа олишмаётган экан. Бу гапдан ажабландим. Уйимга кириб-чиқиб юрадиган бу боланинг ноҳўя хатти-ҳаракатларини сезмагандим. Уни топишди. Уртонининг уйда экан. Маълум бўлишича, ўзидан 5-6 ёш катта болаларга қўшилиб, ўғирлик қилмоқчи бўлибди.

Хўш, нега у бундай қилди? Аслида ҳам унинг табиатида жиноят содир этишга мойиллик бормиди?

Одатда, бу каби хатти-ҳаракатларини содир этган болалар, ўсмирлар, ёшларга нисбатан хулқий оғиш кузатилади, деб ҳисобланади.

Айрим тадқиқотчилар болалар ва ўсмирларда хулқий оғишнинг келиб чиқишида ижтимоий муҳит, оилавий муносабатлар ва тенгдошлар гуруҳининг таъсири катта, деб таъкидлашади.

Психологик вазиятга оид таъсириланшлар асосан оила, мактаб ёки турли хил уюшган гуруҳлар таъсири туфайли вужудга келиб, маълум шахсга йўналтирилган бўлади.

Ўсмирлар ва ўспиринлар хулқий оғишга бағишланган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ижтимоий мослашининг издан чиқиши кўплаб жиноятларнинг содир этилишида асосий сабаб қилиб кўрсатилади. Ўсмир хулқий бўзилиши механизмининг ривожланишида адаптация (мослашиш) ва дезадаптация (мослашининг издан чиқиши)нинг ўрни катта экани маълум. Бир-бирига қарама-қарши бўлган бу икки тушунча инсон организмнинг ички механизми билан ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро мураккаб боғланишни таъминлашга хизмат қилади. Ижтимоий-психологик мослашининг издан чиқиши дейилганда организм ва ташқи муҳит ўртасидаги мураккаб боғланишининг издан чиқиши назарда тутилади.

— Хулқий оғиш бир қанча турларга бўлинади, — дейди психолог Дилором Саъдуллаева. — Мавжуд тартиб, талаб ва қоидаларга бўйсунмаслик кўринишидаги оғма хулқ. Ижтимоий муҳитга, жамият нормаларига нисбатан норозиликни намоён қилиш мақсадидаги хулқ. Мавжуд хуқуқий нормаларга, қонун қоидаларга бўйсунмаслик замирида юзага келади ҳолат. Шахсининг маълум вазиятларда ўзини бошқара олмай қолиши ва ўзига шикаст етказишга йўналтирилган девиант хулқ. Бу каби ҳолатларнинг назорат қилишининг ҳар доим ҳам иложи бўлмаслиги мумкин. Буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия би-

Барно МЕЛИКУЛОВА,
журналист

лан боғлиқ жараён. Лекин, одоб-ахлоқли ёшларда ҳам баъзан ноҳўя хулқ-атвор намоён бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Достондаги бу ҳолат оиладаги унга нисбатан қандайдир муносабатдан норозилик асосида вужудга келган.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва хуқуқбузарликлар содир этилишида ҳамма бирдек жавобгар бўлади. Махалла, мактаб, таълим муассасаси билан ички ишлар органлари ҳамкорлигини янада кучайтириш, бошқа муассасалар томонидан тартибот-тушунтириш тадбирларини кенг миқёсда ўтказишни даврининг ўзи талаб этмоқда. Энг муҳими, оиладаги муҳитнинг соғломлиги ҳисобланади.

Ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар, хуқуқ ва ахлоқ меъёрларининг бўзилиш ҳолатлари ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, 13-17 ёш оралиғидаги ёшлар хулқиди ўзгаришлар, жумладан, катталарнинг эътиборсизлиги, ота-она ва ўқитувчилар билан ўзаро келиш-маслик, муқаддам судланган шахсларнинг салбий таъсирига тушиш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик балоси қабиляр билан боғлиқ экани маълум бўляпти.

Назорат, эътибор озгина сусайса, Достон каби атрофдагиларнинг таъсирига тушиб қолаётганлар сафи кенгайиши мумкин. Бу жараёнда мен ўзимни ҳам айбладим. Кўз олдимда улғаяётган боланинг йўлдан адашмишга эътиборсизлигимдан ёзғирдим. Менки шунча, унинг ота-онаси қай ахволда экан?

Кўпчилик алимент тушунчасини одатда ота(она) томонидан боланинг моддий таъминоти учун тўлов деб ҳисоблайди. Аммо фарзандлардан ота-она фойдасига алимент ундириш тартиби ҳам қонунчилигимизда мустаҳкамланган.

FAOLIYAT

ОНАСИНИ

ҚАҚШАТГАН ЎФИЛЛАР

Шунингдек, бу мажбуриятни бажармаслик тегишли жавобгарликка олиб келади. Мисол учун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47⁻моддасига кўра, воёга етган шахслар томонидан меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, — ўн беш сутка муддатта маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу кодексга мувофиқ, маъмурий қамоқ

Дамир МАХМУДОВ,
МИБ Олмазор туман бўлими бошлиғи

Кейинги пайларда Бюро органларининг иш юритувларига фарзандлардан ота-оналар фойдасига алимент ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари салмоғи ортиб бормоқда. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2015 йил 11 ноябрь кунги ижро варақасига асосан, қарздор Дилрабо Мирзаевадан онаси — ундирувчи Дилором Мирзаева фойдасига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 қисми миқдорда моддий ёрдам ундирилиши белги-

Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб келади.

қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта хуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёр ривидида тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 123-моддасида воёга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганда иккинчи содир этилган бўлса, — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

ланган бўлиб, қизи онасига ҳар ойда алимент пулларини тўлаб келмоқда.

Ёки аксинча ҳолатни мисол келтирамиз, қарздор ака-укалар — С.Назирова ва З.Назировадан ундирувчи (онаси) Т.Позилова фойдасига ҳар ойда катта фарзанддан 120 минг сўм, кичигидан 160 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ундирилиши белгиланган. Волидасидан ширин сўзни, меҳрини дариг тутган ўғиллар моддий таъминоти ҳам ёлғичишмаган. Улар 2017 йил январь ойдан бошлаб онанинг моддий таъминоти учун алимент пулларини ўз вақтида тўламай келганликлари сабабли бугунги кунда акада 3 миллион 120 минг сўм, укада эса 4 миллион 160 сўм қарздорлик вужудга келган.

Аслини олганда, бу пуллар, таъбир жоиз бўлса, бундан миллион баравар юқори миқдордаги маблағлар ҳам онанинг бешик тепасида ўтган туналари, боласининг оёғига кирган арзимас зиратчани деб азобланган кунлари ўрнини боса олмайди. Афсуски...


JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ПЕНСИЯГА “СТАЖ” ҚЎШИШНИНГ ЙЎЛИ БОРМИ?

Онанининг пенсияга чиқиш ҳужжатларини тайёрлаш Ойбекнинг чекига тушди. Ўзини билган одам бундай кезларда волида муҳтарамасини овора қилгиси келмайди. Ҳар қандай расмиятчиликку югур-югурларни ўз зиммасига олади.

Ойбек Шамисев шу мақсадда туман идоралараро шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архиви идораси эшигини қокди. Энг аввал учраган одами архив ходими Фарҳод Муродов бўлди. Ойбек онасининг иш стажига ҳақидаги маълумотномани қимдан олиши мумкинлигини ундан сўради. Фарҳод ариза ёзиб, икки юз минг сўм пул тўлаши зарурлигини тушунтирди. Ойбек аризани ёзди. Сўралган пулни ҳам нақд сана берди. Фарҳод ариза ва пулни олиб қолиб, бир неча кундан сўнг хабарлаши кераклигини айтди.

Орадан ойлар ўтиб, яна Фарҳоднинг ёнида ҳозир бўлган Ойбек “Маълумотнома тайёр бўлмади”, — дея сўради. Бироқ жавобдан унинг кўнгли хира тортиди. Фарҳод уни устозни, архив фонд сақловчиси Муродилло Тўхтамурадов билан таништириб, аризаси бўйича шу одам қўмақлашини тушунтирди.



— Онанининг пенсияси учун “стаж” қўшиб, маълумотнома бераман, бир ярим миллион бўлади ҳаражати, — деди М.Тўхтамурадов пешона терини сўраётган уста сингари киприк қокмай.

Ойбек қаттиқ аччиқланди. Бироқ аламини вақтинча ичига ютишга мажбур бўлди.

— Қассоб хиянимга мол сотган эдим, — деди у архив ходимига. — Пулни етказиб бериши билан обекламан. Фақат, юз минг ўтасиз...

“Ҳожатбарор” рози бўлди. Эртаси кунни сабри чидамай бировнинг телефонидан Ойбекка кўнғироқ қилиб, пулни тезроқ олиб келишини тайинлади. Ойбек ҳам узоқ ҳаялдамасдан, бироқ вақтдан сўнг кўнғироқ қилиб, пул тайёрлигини айтди. Муродилловнинг рангига қизиллик югурди. “Мижоз”га яқин ўртадаги чойхонада учра-

шишни айтди.

Чойхонада бир стол атрофида қақчақлашиб ўтирган бу икки одамни кўрганлар эски кадрдонлар деб ўйлаши табиий эди. “Бир пиёла чой”дан сўнг Муродилло Ойбекдан “пулни

Архив фонд сақловчисининг тамағирлиги онасининг пенсия масаласи билан шуғулланаётган ўғилнинг зардасини қайнатди.

олиб келдингни”, деб сўради. Ойбек жавоб ўрнига қора рангли пакетни стол устига қўйди. Муродилло пакетни очиб, пулларнинг қатини санади. Ва чўнтакларига бўлиб жойлади. Бироқ ишончасига қайтши, “мижоз”и учун маълумотнома тайёрлаш унга насиб этмади. Уни ўша чойхонанинг

Равшан ХУРРАМОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

ўзида жиноят устида қўлга олишди. Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман судининг ҳукмига кўра Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан Муродилло Тўхтамурадовга бир йил муддатта моддий жавобгарлик ва мансабдор шахс вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда 2 йилга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Архивлар мозий кўзгуси эканигини эрта-индин ўзи пенсияга чиқай деб турган, шу соҳанинг бир неча йиллик ходими Муродилло Тўхтамурадов бошқалардан кўра яхши биларди. Яхши-ю

ёмон амаллар бир кун келиб одамлар хотирасидан ўчиб кетиши мумкин. Бироқ ҳужжатлар шафқатсиз, бежизга “хатта тушидиган — ўтга тушидиган”, демайди халқимиз. Шу жумладан, жиноят доғини ҳам хотирадан ва ҳужжатлардан ўчириб бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир...

ХОТИРЛАШ, ЁД ЭТИШ — ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

Бундан йигирма йил муқаддам Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан 9 майга Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилгач, унинг маъно-мазмуни тубдан ўзгарди. Шулардан бири — ота-боболаримизни, улуг ва муҳтарам зотларни эслаш, хотирлаш, уларнинг хоки-пойини зиёрат қилиш, хурматини жойига қўйишдир.

Республикаимиз пойтахтида, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва туманлар марказларида аввалги "Номаълум солдат" деб ном олган, қандайдир маҳвум гоёни ифода этадиган ёдгорликлар ўрнига "Мотамсаро она" хайкали ўрнатилди. Бу, биринчи навбатда, мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини очиб беради. Эндиликда бу кун мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган, шунингдек, жонажон Ўзбекистонимизнинг озодлиги йўлида жонини аямаган ота-боболаримиз хотираси учун "Мотамсаро она" хайкали пойига бош эгиб, таъзим қиладиган, фронт ортида ўта оғир шароитларда меҳнат қилиб, жангчиларимизнинг урушда галаба қозонишига катта ҳисса қўшган момо-ю боболаримиз хотирасига, агар улар ҳаёт бўлсалар, олдиларинда тиз чўкиб, таъзим бажо келтирилладиган кундир.

Бу дунёдан ўтиб кетган ота-боболаримизни хотирлаш, ибратли ҳаёт йўлларини авлодларга сўзлаб бериб, улардан ўрнак олишга ундаш — қонқонимизга сингиб кетган қадрият. Давлатимиз раҳбари ҳам илм-фан ва диннинг ривожига улкан ҳисса қўшган алиомлар ва пири комилларнинг руҳи-покларига хурмат бажо келтириш, номларини абадийлаштириш мақсади-



Уруш қатнашчиларига 7,5 миллион сўм миқдоридан пул мукофоти ва байрам совғалари тантанали равишда топширилмоқда.

да уларнинг сўнги маконларига маҳобатли ёдгорликлар ўрнаттирмоқда, обод масканга айлантирилиб, уларнинг илм зиёсидан ёш авлодни баҳраманд этиш чоралари кўриляпти.

Кекса авлод вакилларининг кўнглини кўтариш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қўлайликлар яратиш — давлатимизнинг доимий эътиборида. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбат-

лантириш тўғрисида"ги Фармони уруш фахрийларига эҳтиромнинг яна бир ифодаси бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ, байрам арафасида уруш қатнашчиларига 7,5 миллион сўм миқдоридан пул мукофоти ва байрам совғалари тантанали равишда топширилмоқда.

Аслида, содда қилиб айтганда, тарих — бу хотира дегани, ўтган аждодларнинг шонли ишлари, қаҳрамонликларини эслаш, ўтмиш воқеаларидан тўғри хулоса чиқариб яшаш деганидир.

Норбўта ФОЗИЕВ,
«НУҚУД»

9 май куни юртдошларимиз яқин кишилари дафн этилган қабристонларга зиёратга борадилар, турли ободонлаштириш, таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади, кишилар бир-бирлари билан дийдор кўришиб, марҳумларни, уларнинг ибратли ишларини эслашади. Бунда инсоннинг маънавий моҳияти қай даражададир намоён бўлади, ҳаёт узвийлик касб этади, ёшларда қадриятларимизга хурмат туйғуси шаклланади.

Дунёда ҳар хил хатар ва балоларнинг яна майдонга чиқаётгани барча юртдошларимизда ташвиш уйғотмоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият сўзсиз барчамиздан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни, чегараларимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида замон талаб қиладиган зарур чораларни қўришни тақозо этмоқда. Ватаннинг тинчлиги бу — бебаҳо неъмат. Зеро, шоир айганидай:

*Оналар чекинара узлат охиға,
Сингиллар тўлдилар ёй садағини.
Момолар бош қўйиб саждоғини,
Кутарлар беомон жанг аждоғини.
Тўзгитар ҳавони қилчлар дами...
Мозийни англагил, англа додини!
Ватан бу — мўътабар аждодлар гами,
Эъзозла, эсда тут, сақла ёдини.*

Инсон ўтган кунларини ўйлайди, оламдан ўтган яқинларини хотирлайди. Шунингдек, у келажак орзу-умидлари билан ҳам яшайди. Акс ҳолда у инсон бўлмай қоларди. Зеро, ўтган кунларни эслаш орқали қалб озикланади, ақл теранлашади.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳар бир прокуратура ходими ўзи ўқиган мактабга китоблар совға қилди.

ЭНГ ОЛИС ҲУДУДА — КУТУБХОНА



Собиржон ЮЛДАШЕВ,
Косонсой туман прокуратураси
терговчиси

Китоб барча эзгуликларнинг асосидир. Бу — исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат. Буюк келажакни илму маърифатли авлод билан қуришга аҳд қилган мамлакатимизда Президентимиз томонидан эртасиз эгаларини маънавиятли, юксак тафаккур соҳиблари сифатида қамол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 28 февраль — 1 март кунлари Наманган вилоятга таширифи чоғида "Наманганни энг китобхон вилоятга айлантирамиз", деган эзгу гоёни илгари сурган бўлса, шу йилнинг 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида жамиятда китобхонликка эътиборни ошириш, ёшлар ўртасида китоб мутолаасини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Ортбошимиз ушбу хайрли ташаббус йўлида мутасадди-раҳбарларни ибрат ва намуна бўлиб, ўзлари таҳсил олган илм масканларига китоблар совға қилишга чорлади.

Ташаббус турли давлат ва жамоат ташкилотларида нафақат раҳбарлар, балки кенг жамоатчиликка иштиёқ бағишлади. Совға қилинаётган китоблар илм масканлари кутубхоналарини бойитмоқда. Ташрифлар устоз-муаллимлар, ўқувчилар даврасидаги маънавий-маърифий тадбирларга уланмоқда.

Илм масканларига китоб совға қилиш борасидаги чорлов Наманган вилоят прокуратураси органлари ходимларини ҳам хайрли ташаббусларга ундади. Тизимдаги ҳар бир ходим ўзи ўқиган мактабга китоблар тўпламини тўхфа этди. Прокуратура органлари ходимлари томонидан вилоятимиздаги умумтаълим мактабларига 4 мингга ққин бадиий адабиётлар тақдим этилди. Бу эзгу ташаббус ҳали ҳам қўлми кенгайган ҳолда давом эттирилмоқда.

Яна бир янгилик. Наманган вилоят прокуратураси ташаббуси билан Поп туманининг олис қишлоқларидан бири — Қандиғонда янги кутубхона ташкил этилмоқда. Таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаётган зиё маскани тез кунларда қишлоқ ахли ихтиёрига топширилади.

БАҲРОМ ЗАРИПОВ (ИСМ-ФАМИЯЛАР ЎЗГАРТИРИЛГАН) 2015 ЙИЛДАН 2018 ЙИЛГА ҚАДАР ТУМАН ПАХТА ТОЗАЛАШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ БИРИДА ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИДА ИШЛАБ КЕЛДИ. БУ ДАВРДА ШАХСИЙ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ, ЎЗГАНИНГ МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛГАННИ АНИКЛАНДИ. АЛБАТТА, БИР ЎЗИ ЭМАС. ЖАМИЯТ ХОДИМЛАРИ НОДИР ЭШИМОВ ВА ШОКИР САПАЕВЛАР БИЛАН ТИЛ БИРИКТИРГАН ҲОЛДА. БУ МАНСАБОДОР ЎЗ ВАЗИФАСИНИ ҚАНДАЙ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАННИ БИЛАН ҚИЗИҚАПСИМИЗ?... МИСОЛ УЧУН, УЛАР 2017 ЙИЛ ПАХТА ХОСИЛИДАН Н.ЭШИМОВ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН 50 774,1 МИНГ СЎМЛИК 44,1 ТОННА ТЕХНИК ЧИГИТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШДИ. МАБОДО СИР ФОШ БЎЛИБ, ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОРГАНЛАРИ ЁКИ ЮҚОРИ ТАШКИЛОТ МУТАСАДДИЛАРИ ЧИГИТНИНГ ҚАЕРДАЛИГИНИ СЎРАШСА, КЎРСАТАМИЗ, ДЕЙ ҚАЛБАКИ ҲУЖАТЛАР РАСМИЙ ҚИЛТИРИШДИ. ҲУЖАТЛАРДА Н.ЭШИМОВ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ПАХТА ХОМАШЁСИДАН БЕЛГИЛАНГАН МЁЁРГА НИСБАТАН 2 ФОИЗГА, Ш.САПАЕВ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ХОМАШЁДАН 0,4 ФОИЗГА ТЕХНИК ЧИГИТ КАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАНИ АКС ЭТДИ. БУ ИШОНЧГА САЗОВОР БЎЛМАГАН МАЪЛУМОТ ЭВАЗИГА ЖАМИЯТНИНГ 89 981,6 МИНГ СЎМЛИК МАХСУЛОТЛАРИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА РАСТРАТА



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

қилиш йўли билан талон-торож этилди. Ҳамтовоқлар жамият манфаатларига фақат шу зарарни етказиш билан чекланиб қолишмади. Ўша йили қабул қилинган пахта хомашёсидан ишлаб чиқарилган тола махсулотлари ҳам талон-торож қилинди. Бунинг учун айрим сонли партияларда 4-5 ва 5-5 типли "ифлос" синфли тола махсулоти ишлаб чиқарилгани ҳақидаги мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди. Бу жамиятга 540 005,3 минг сўм зарар етказди.

Б.Зарипов 2017 йилги пахта хосилидан ишлаб чиқарилган жамиятнинг 629 986,9 минг сўмлик техник чигит ва тола махсулотларининг бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилишини таъминлашдан, солиқ солиш объектини ҳисоботлардан яширгани натижасида, мазкур солиқ солиш объектига қўшилган қиймат солиғидан 121 807,0 минг сўм, фойда

солиғидан 82 537,0 минг сўм ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлагани ҳам фош этилди.

Ҳамтовоқларнинг бошқа кирдикорлари ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари назаридан четда қолмади. Б.Зарипов ва унинг ҳамтовоқлари суднинг қора қурсисига ўтиришга мажбур бўлишди. Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди томонидан уларга тегишли жазо тайинланди.

Кимки мансаб ваколатини суиистеъмол қилса, ўзгага зарар етказишга, бировнинг мулкни талон-торож қилишга жазм этса, у ҳам "қаҳрамон"ларимиз ҳолига тушиши тайин. Шундай экан, ҳар ким ўз вазифасини ҳалол ва виждонан бажариши мақсадга мувофиқдир.

«Темурбеклар мактаби»нинг битирувчилари олий ўқув юр்தларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Эрта биланми ёки кечки пайт, кўчага чиқар эканмиз, барчамиз йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Бу эса ўз-ўзидан ҳаракатимиз хавфсизлиги таъминланишини такозо этади. Аммо айна шу жараён сўнгги пайтларда инсон ҳаётига хавф туғдириши жиҳатидан долзарб муаммолардан бирига айланди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, айнан йўл-транспорт ҳодисалари туфайли дунёда йилига 1 миллион нафардан ортиқ инсоннинг оламдан кўз юмаётганию, 20 миллиондан зиёдининг жароҳат олаётгани ҳам бунни тасдиқлаб турибди. Афсуски, мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас.

Жорий йил 9 апрель куни "Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги Ҳукумат қарорининг қабул қилиниши эса маълум маънода, айнан шу муаммонинг олдини олишга хизмат қилиши билан диққатга сазовордир. Мазкур қарорга мувофиқ, йўл ҳаракати қоидаларига жумладан, светофорнинг таққикловчи ишорасида тўхташ чизиғи олдида тўхтаганда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиғи устига чиқиб кетмаслиги кераклиги, айланма ҳаракат чорраҳасида ҳаракатланаётган транспорт воситаси айланга кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устунликка эгаллиги, куннинг ёруғ вақтида барча автотранспорт воситалари яқини ёритувчи чирокларни ёки кундузги чирокларни ёқиб ҳаракатланиши шарт эканлиги каби бир қатор ўзгартришлар киритилди.

Бироқ, мазкур қарорнинг куннинг ёруғ вақтида барча автотранспорт воситалари яқини ёритувчи чирокларни ёки кундузги чирокларни ёқиб ҳаракатланиши шарт эканлиги ҳақидаги банди кўпга ҳайдовчиларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Гарчи бу ҳақда ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларида ёзилган бўлса-да, таҳририятга бўлаётган кўнги-роқлар, таниш-билишлар томонидан бўлаётган эътирозлар туфайли мазкур мавзуга кўл уришни лозим топдик. Зеро, ОАВ сўз эркинлиги учун минбар ҳисобланади.

Буни қарангки, биринчи эътироз бир ҳамкасбимиз томонидан билдирилди. Апрель ойининг ўрталари ёнгарчиликларга мўл бўлди. Айнан ўша кезларда ҳам ҳаво булутлиги, қолаверса, юқоридаги қарор ҳам амал қилган ҳамкасбимиз машинаси чирокларини ёққан ҳолда эрта билан ишга келгач, автомашинасини ўчириб, эшигини кулфлайди-да, бамайхотир ишхонага кириб келади. Кечки пайт автомашинасига ўтиради. Аммо машина сўт олмайди, чирокларини ўчиришни унутган экан. Аккумуляторни ўтириб қолибди.

Бир соатча кўчада қолиб кетдим, — дея эртасига асабийлашганча ҳикоя қилиб берди ўзи. — "Жигули" ё "Москвич" бўлганда бунча муаммо бўлмасди. У машиналарни озгина итариб юборсанг, дарров ўт олади. "Нексия", "Спарк" ё "Матиз" лар унақа эмас. "Бензонасос" ток билан ишлагани



ЧИРОҚ ЁҚМАЙ

ЁКИ ПЕШОНАСИ ТИРИШАЁТГАН ҲАЙДОВЧИЛАР

сабабли, аккумуляторнинг кучи ҳеч бўлмаганда приборларни ёқишга етиши керак. Чироклар кун бўйи қолиб кетгани учун аккумулятор ишдан чиқибди...

40 йилдан буён автомашина бошқарадиган фуқаро Ф.Нурмухамедов эса эътирозини қуйидагича изоҳлади: — Нима учун қонун ё қарор қабул қилишда тажрибали, у ёки бу соҳада суяги қотганларга маслаҳат солиб, уларнинг фикри билан қизиқшмайди?

Мени ҳайрон қолдирган жиҳати, мутасаддилар мазкур ҳолатнинг татбиқ этилишини изоҳлашда, Европа тажрибаси қўлланганини билдиришди. Кўплар қатори мен ҳам у ердаги об-ҳаво билан Ўзбекистоннинг фарқи катта эканлигини яхши билман, кўпга давлатларда бўлганман. Қолаверса, ўлкамиз серкўёш бўлган сабабли, кундузги қуёш нурини давомлатганини чироғи ёқилгани ё йўқ, билиб бўлмайди. Бундан ташқари, илгари машиналарнинг фараси шивадан буларди, ҳозиргиларники пластмассадан. Энди куннинг иссиғига ёқиб машина чироғини ҳам қўшиш-чи, пластмасса қанчага чида экан?! Яқинда "Севимли" телеканалида ИХБ ходимлари билан бўлиб ўтган мулоқотга кўзим тушди. Майор унволи ходим машина ҳайдашда 21 йиллик тажрибаси борлигини айтиб қолди. У эрта билан ишга келгач, куни билан хонасида ўтириб, кечқурун уйига қайтса керак. Аммо аксарият ҳайдовчиларнинг куни машинаси билан кўчада ўтади-ку! Улар бу ҳақда майордан кўра кўпроқ билишди-ку! Нима учун улардан бир оғиз сўралмади?!

Шу каби гап-сўзлардан кейин икки-уч нафар танишлар билан автомашиналарни кузат-

ди. Йўлларда бу ҳақда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда ва бу жараён ҳарқалай эътирофга лойиқ. Истардикки, бундай ишлар нафақат 10 майгача, балки ундан кейин ҳам давом этса... Айтмоқчимизки, тизим ходимлари ҳам ҳайдовчиларни тушуниб, арзимаган нарса учун баённома (протокол) расмийлаштирмасдан, огоҳлантириш билан чекланишса бўлади-ку!

Биргина мисол, апрель ойи ўрталарида ижтимоий тармоқларда йўл белгиларининг қўлланилиши билан боғлиқ бир ҳолат танқид остига олинган эди. Унда айтилишча, 15 апрелгача "Халқлар дўстлиги" саройи томондан Бунёдор кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келиб, Муқимий кўчасига бурилган ҳайдовчиларнинг аксарияти биринчи бурилиб олиш жойидан ортга қайтишган. Аммо (тахминан) 16 апрель кунини бу жойда ортга қайтиш мумкин эмаслиги, ҳаракат фақат тўғрига йўналишини англатувчи белги қўйилган, эскиси эса олиб ташланади.

"Бу йўлдан доим фойдаланувчи ҳайдовчиларнинг деярли 90 фоизи инерция бўйича белгига эътибор бермай бури-

жараларнинг ораси очик қолди? Шунча вақтдан буён тўсиб қўйишнинг иложи бўлмадими?

Жараённи бироз кузатиб турдик. Ҳар қалай ортга бурилади олаётган машиналар оқими анча камайган. Шундай бўлса-да, икки нафар инспектор шундайларни тўхтатиб, ҳужжат расмийлаштирмоқда. Бир гал кечирини ё огоҳлантиришни ҳаёлларига ҳам келтиришмайди.

Гап огоҳлантиришлар ҳақида кетар экан, бир таниш ҳайдовчи: "Жарималар қаторига огоҳлантиришни қўшиб бўлмасмикан? Масалан, қондан бузган ҳайдовчига огоҳлантириш берилади ва компьютерга киритилади. Иккинчи марта ҳам кечирилади, аммо учинчи бор қоида бузилиши тақорланса, ҳайдовчи энди ўздан ўпкаласин! У жаримга тортилганда ҳам ҳеч кимдан хафа бўлмайди", — дея тақлиф билдириб қолди. Фикримизча, ушбу тақлиф амалиётга жорий этилса, йўл-транспорт ҳалокатларининг маълум даражада олди олинган бўларди. Изоҳлашга ҳаракат қиламиз: Очигини айтиш керак, ИХББ ходимининг "тўхта" ишорасини қўрган ҳар иккинчи ҳайдовчининг пе-

MULOHAZA UCHUN MAVZU

«ТОПИЛАДИГАН»

ЖАРИМА

Гофуржон АЛИМОВ,
«Нуқул»

шонаси тиришади. Агар тўхталишга, айби исботланиб, баённома расмийлаштирилса-ку, асаби қайнади. Ахир фалон сўм жарима тўлаш кимга ҳам ёқмайди. Хуллас, асабийлашганча, автоинспекторни "гўрига гишт қалаб", йўлга тушади. "Жаҳл отига минган" одамнинг машина бошқаришини тасаввур қилиб кўрин-чи! Энди, инспектор ҳайдовчининг огоҳлантириб қўйиб юборса-чи? Ҳайдовчининг кайфияти кўтарилиб, ўша инспекторни алқашга тушади, машинасини ҳам шунга яраша вазминлик билан бошқара бошлади... Ҳар икки ҳолатдан қай бири афзал эканлигини ўзингиз билиб олгандирсиз!

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Ўртбошимчи томонидан ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, "Ислохотлар инсон учун, унинг манфатлари учун" хизмат қилиши таъкидланаётган бир пайтда, юқоридаги каби ҳолатларнинг учраб туриши кўнглини хира қилади. Нима бўлганда ҳам, ИХББ инспекторларидан оракни кенг қилишни, билмай қолиб, қоидабузарлик содир этгани учун ҳам баённома расмийлаштирмасдан, имкони бўлса огоҳлантириш билан чекланишларини сўраб қолардик. Ўз навбатида айрим ҳайдовчиларга ҳам айтиб сўзимиз бор: Унутманг, трасса космос эмас! Унинг ўзига яраша қонунқоидаси бор ва улар барча учун баробар. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этсангиз, аввало ўзингизнинг, кейин эса бошқа йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳам хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Кўприкка етмасдан 4 нафар «ГАИ» ходими қоидабузарларни «овлаш» билан овера...

ёқилган чироғи қуёшли кунга қараганда нисбатан яхши кўринади. Бундан ташқари, кузда чироқ ёқишни бошлаган ҳайдовчида келаси йил ёз бошлангунча кўнкимга ҳосил бўлади. Қолаверса, агар "инсон" сўзининг маъноси "унутувчи, ёддан чиқарувчи" эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, чироқ ёқишни унутуш ҳолатига дабдурустдан жарима белгиланиши унчалик тўғри бўлмас керак!

Айтмоқчи, автомашина чирокларини ёқиб юриш ҳақидаги қоида 10 апрелдан қўнча киргани ҳолда, ҳайдовчиларга бунга кўнкимга ҳосил қилишлари учун 10 майгача вақт берил-

жойни кўздан кечирдик. Кўприкка чиқмасдан, Муқимий кўчасига бурилганимизда ҳақиқатан ҳам фақат тўғрига ҳаракатланиш мумкинлигини кўрсатувчи белгига кўзимиз тушди. Ҳаракатни давом эттириб, сал нарироқдан, рухсат этилган жойдан бурилиб, орқага қайдик. Худди ўша жойнинг бу қисмида у томондагидек, фақат тўғрига ҳаракатланиш лозимлигини англатувчи белги ўрнатилган экан, яъни ҳар икки томонда ҳам айнан бир хил белги. Шунингдек, икки томон ҳам панжалар билан тўсилган. Бизни ҳайрон қолдирган жиҳати, белги алмаштирилгач, нима учун пан-

“Порасиз иш битмайди”, деган ақида баъзиларнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу тўғримики? Чиндан ҳам кимгадир “узат-масангиз”, ишингиз битмаяптими?!

“Коррупция” сўзи лотинча бўлиб, ўзбек тилида “емирилиш”, “сотилиш”, “оғмачи” деган маъноларни англатади. Уни кескин чеклаган давлатлар тараққиётга эришган. Ҳақиқатан ҳам, қаерда коррупция бўлса, шу ерда емирилиш бўлади. Мансабдор шахснинг сотилиши, оғмачилиги шунга олиб келади.



ЮРТ РАВНАҚИ УЧУН коррупцияга “йўқ” дея олиш даркор

Қонун нуқтаи назаридан қараганда, коррупция – мансабдор шахснинг ўз мавқеи ва ваколатларидан, унга ишониб топширилган ҳуқуқлардан ўз манфаати йўлида фойдаланишидир.

“Коррупция” атамаси бугун, афсуски, энг кўп ишлатиладиган сўзлар қаторидан жой эгаллаб улгурди. Чунки ижтимоий ҳаётда унинг домига дуч келганлар кўпчиликни ташкил этмоқда.

Мутахассисларнинг билдиришича, коррупциянинг илдирилари қадим қабилаларда маълум бир мавқега эга бўлиш учун унинг сардорига турли совға-саломлар бериш одатидан бошланган. У вақтларда бу ҳол одатий қабул қилинган. Бироқ давлатлар ташкил топиши, унинг аппарати мураккаблашуви ва марказлашуви коррупциянинг давлат ривожланишига катта тўсиқ эканини кўрсатди.

Дунё таърибасидан маълумки, биз жиддий курашга киришган иллатга қарши муросасизлик дунё миқёсда қадимдан бошланган. Жумладан, Шумер давлати порахўрликка қарши курашган биринчи мамлакат ҳисобланади. Бобил ҳукмдори Хаммурапи томонидан ҳам коррупцияга

қарши алоҳида қонун ишлаб чиқилган.

Японияда бу масала бола онгига элементар усулларни сингдиришдан бошланган. Яъни, дарс машғулоты вақтида китобдан кўчираётган ўқувчи ёнида ўтирган дўсти ўша пайтнинг ўзида ўқитувчига хабар берган. Ўқитувчи айбдорга жазо бали ва айтиб берган ўқувчига эса рағбатлантириш бали кўйган.

Швеция 19-асрда коррупция авж олган давлат ҳисоб-

ўз фуқаролари ва тadbиркорлик субъектлари учун барча давлат органлари ҳужжатлари билан танишиш имконияти, мустақил ва таъсирчан суд тизими яратилган. Швеция парламенти ва ҳукумати маъмурий орган амалдорлари учун юқори одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиб, унга давлат амалдорлари томонидан риоя этилиши назоратга олинган. Ҳозирда Швеция дунёда коррупция жинояти энг кам содир этиладиган давлат ҳисобланади.

Японияда коррупцияга қарши курашиш бола онгига элементар усулларни сингдиришдан бошланган.

ланган. Мамлакат сиёсий тузуми ва иқтисодиётини янгилашда давлат тadbиркорлик ҳаракатига аралашинининг олдини олиш мақсадида бир қанча кескин тadbирлар ишлаб чиқилган. Унда давлат томонидан тadbиркорлик субъектларини ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари кенгроқ берилиб, тadbиркорларга субсидиялар ажратилган. Давлат органларининг тadbиркорлик субъектлари ишларига аралашини тaқиқланган.

Ўзбекистонда коррупцияни энгши, амалдорларнинг ҳалол ишлашини таъминлаш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, тadbиркорлар олдида турган бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган.

Маъмур қонунда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берил-

ди. Унга кўра, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тadbирларни амалга ошириш зарур. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаб, чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш шарт.

Энг эътиборли жиҳати, қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фoлиятни амалга оширувчи давлат органлари билан бир қаторда, бу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки таъминланиши назарда тутилган.

Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Қарори эса маъмур қонунни ҳаётга табиқ этишга хизмат қилмоқда.

Азизбек ФOЗИЛОВ,
Наманган вилоят
прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Қарор билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тўғрисида Низом тасдиқланиб, комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирги кунда аҳоли орасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат қарор топмоқда. Коррупция билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез фoш этилаётгани ва айбдорлар жазога тортилаётгани шунинг натижасидир. Бу ҳаракат янада кенг қулоч ёйса, яъни ҳар бир шахс тамағирлик ҳолатига дуч келганда, бу ҳақда тегишли органларга хабар берса, пора беришдан тийилса, янада самаралироқ натижага эришишимиз мумкин. Зеро, коррупциядан қутулиш – емирилишдан қутулиш эканини барчамиз англашимиз шарт.

JARAYON

ЖАМИЯТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

Порахўрлик, фирибгарлик ва товламачилик жиноятлари меҳнатсиз пул топишнинг энг жирканч усулларидан ҳисобланади. У жамиятда ҳақиқатнинг қарор топишига, қонун устуворлиги таъминланишига фаол тўсиқлик қилиш билан бирга, илм ва маърифатнинг раванқ топишига салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий адолатсизликни келтириб чиқаради.

Маъмур жиноятларнинг салбий оқибатлари ҳисобга олинган ҳолда, уларга қарши курашиш ҳар қандай жамият олдидаги долзарб масалалардан саналади. Табиийки, бизда ҳам ушбу жиноят турларига қарши курашининг ҳуқуқий негизи яратилган ва қабул қилинган қонунларимиз билан тaртибга солинган.

Афсуски, ушбу иллатга қарши муросасиз кураш олиб бoрилаётганлигига қарамасдан, айрим шахслар томонидан жиноятнинг бу турига қўл уриш



ҳолатлари учраб турибди.

Қасб-хунар коллежларининг биринчи ўқитувчи бўлиб ишлаган Ю.Жанзаков фуқаро Ж.Жамаловнинг ишончига кириб, унга ўқимасдан туриб педагогика қасб-хунар коллежининг қалбаки дипломини олиб бериши, жинояти эса тиббиёт коллежига шартнома асосида ўқишга “жойлаб” қўйиши айтади, эвазига эса 1000 АҚШ доллар

лари томонидан қўлга олинди.

Шунингдек, Хўжайли туманидаги яна бир қасб-хунар коллежи директори ўринбосари Я.Ибрагимова фуқаро Р.Акимниязовдан унинг қариндошини ушбу коллежга ишга қабул қилиш эвазига 200 АҚШ долларини пора сифатида талаб қилади. Департамент органлари томонидан ўтказилган ҳамкорликдаги тadbир давомида Я.Ибрагимова

талаб қилади. Аммо, унинг “елиб-югуришлари” самарасиз кетди. Собик ўқитувчи фириб қурбонига айланаётган Ж.Жамаловдан талаб қилган миқдордаги пулларни олаётган пайтда департамент ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Азамат Юлдашев,
Департаментнинг Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси бошлиғи

талаб қилинган пулни олаётган пайтда қўлга олинди ва унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан жазо чораси таъминланди.

Албатта, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин, бизнинг асосий вазифамиз — фақат атрофимизда содир этилган жиноятларни ёки қонунга зид бўлган бошқа ҳаракатларни таҳлил қилиш эмас, балки, унинг келиб чиқишига имкон яратаётган шароитларни теран ўрганиш орқали жиноятнинг олдини олишдан иборат.

Шу боисдан, бошқармаимиз ва унинг худудий бўлимлари томонидан жойларга, айниқса, республикаимизнинг энг олис нуқталарига етиб бoриб, маъмур худудларда истиқомат қилувчи фуқаролар иштирокида турли кўринишдаги учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилди. Учрашувлар фақат хўжақўрсинга эмас, балки юқоридаги каби ёки шунга ўхшаш бошқа жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилмоқда.



FAOLIYATIDAN

Кейинги йилларда "Трамадол" ва "Лирика" дорилари билан боғлиқ турли воқеалар ва шов-шувлар одамлар орасида кенг тарқалди.

Бу дорилардан айрим одамлар наркотик воситалар ўрнида фойдаланаётгани ҳам аини ҳақиқат. Аслида бу дорилар қандай беморларга тавсия этилади?..

Шифокорларнинг таъкидлашича, улар ўқтин-ўқтин қисқа муддат ҳудудан кетиш, тиришиш, шахсият ўзгариши, рўқий фаолият сусайиши билан кечадиган хуружли тутканоқни даволашда тавсия этилади. Шунингдек, мушаклар илқис гайритабиий қисқариши ва оғришига, томир тортишиб, қўл-оёқ

"Трамадол" шайдолари

акашак бўлиб қолишига қарши қўлланилади. Бироқ 17 ёшга тўлмаганларга, марказий асаб тизимида, юрак ва қон томирларида нуқсон бор беморларга, ҳомилдор ва эмизикли аёлларга тавсия этилмайди. Сурункали ичилса, ўта хунук оқибатлари келтириб чиқаради. Бош ва бугимлар оғриши, нутқ бузилиши, хотира сусайиши, бепарволик, талваса, гангиш, таъм сезмаслик, бепоштлиқ ва оғир беҳушликка алоқадор хасталиклар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Яна бир хавfli жиҳати бу дориларга ружу қўйганлар гиёҳвандлардан деярли фарқланмайди. Негаки, уларни мунтазам истеъмол қилган одам бу воситаларга бутунлай қарам бўлиб қолади. Фель-атворидида кўполик ва тажовузкорлик, одамовилик ва лоқайдлик кучаяди. Зудлик билан даволанмаса, ҳаёти фожияли яқун топади.

Шунинг учун ҳам, уларнинг ҳар иккаласи қатъий назорат қилинадиган психотроп моддалар рўйхатидаги киритилган ва дорихоналарда фақат рецепт асосида сотилиши белгиланган. Шунга қарамай, мазкур дориларни республи-

камиз ҳудудига яширин йўллар билан олиб кириб, сотиш ҳолатлари учрамоқда. Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан аини шу турдаги қонунбузарликлар аниқланиб, ҳуқуқбузар-

далил билан ушланди. Суриштирув жараёнида Б.Наримовни мазкур дорилар билан таъминлаб турадиган яна бир шахс борлиги аниқланиб, тadbир давом эттирилди. Ўз навбатида Б.Наримов бу тadbирда иштирок этиб, мижоз сифатида Артур Тархановга мурожаат қилди. Пировардида А.Тарханов доимий мижози Б.Наримовга 20 дона "трамадол" таблеткасини бериб, 50 минг сўм пулни олаётган вақтида қўлга тушди.

Яна бир ҳолат, Олмалик шаҳридаги дорихоналардан биринчи ишловчи Гулрух Раҳимовага танишлари Халил Иномов ва Баҳром Самиговлар "трамадол" дорисини сотиб беришини тақлиф қилишади. Бу иш қонунларимизга зид эканлигини билган Г.Раҳимова ушбу ҳолат ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилди. Ҳамюртларини "заҳарлаш" эвазига даромад қилмоқчи бўлган бу кимсалар Г.Раҳимовага 140 дона "трамадол" дори воситасини 1 миллион 500 минг сўмга сотаётганда қўлга олинди.

Шубҳасиз, ҳеч бир қинғирлик жазосиз қолмайди, айб-

Абдирашид НУМАНОВ,
Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи

дорлар қилмишларига ярашсини олишади. Бизни эса маъсаланинг бошқа жиҳатлари кўпроқ ташвишга солади.

Озгина пул топаман деб, ўзгалар ҳаётини заҳарлашдан тап тортмаётганлар кимлар ўзи? Улар ҳаромдан йиғилган мол ҳаромга кетишини, эл қарғишини олган одамнинг қосаси оқармаслигини билишмайди? Ўзлари билишмаса, ота-оналари, қариндош-уруғдошлари, қўшни-қўшнилари, ёру биродарлари-чи? Улар қаёққа қарашаяпти, нега қабиҳликка ошно тутинган жигаргўшларни ва яқинларини тўғри йўлга солиш ўрнини, нешабин бўлиб туришибди? Нега қўз ўнглирида рўй бераётган воқеаларни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишяпти?

Модомики, шундай экан, жиноятларга қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси, дея лоқайдликка берилмаслигимиз, ҳаминша хушёр бўлишимиз, ён-атрофимиздагиларни огоҳликка чорлашимиз керак.



ларга нисбатан тегишли чоралар қўрилоқда.

Жумладан, Ботир Наримов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Зангиота тумани ҳудудида мижозга 20 дона "трамадол" таблеткасини 60 минг сўмга сотган вақтида ашёвий

Оқсоқол тамагир экан...

Сайлов маҳали маҳалла раисларига элдошлари юксак ишонч билдиришади. Раислар ҳам бу ишонччи оқлаш учун катта-катта ваъдалар беришади. Аммо афсуски, уларнинг барчаси ҳам ваъдаларига содиқ қолишармас экан.

Департаментнинг Чироқчи туман бўлими ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тadbирда "Шўрбозор" маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Р.К. жиноят устида қўлга олинди.

Эл оқсоқоли деган номни кўтариб юрган бу одам ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, фуқаро Ж.Н.га фарзанди учун та-

йинланган нафақа пулининг тўланмай қолган, ўтган йилнинг май, июнь, июль ойларидаги қисмини тўлаб бериш ҳамда келгусида нафақа тўловини давом эттириш эвазига ундан 150 минг сўмни олган вақтида ушланган.

Суд ҳукмига қўра, раис қилмишига яраша жазога тортилди. Пورا тарзида узатилган 150 минг сўм эса давлат фойдасига мусодарада қилинди.

Маҳаллаларда сайловлар давом этаётганда, Шўрбозорликлар бу сафар ўзларига инсофли, элнинг юзига елка тутиб, виждонининг овозига қулоқ тутадиган оқсоқоли сайлашади, дея ишонамиз.

Ҳалоллик, поклик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Аммо орамизда бундай хислатлардан узоқ бўлган кимсалар ҳам йўқ эмас. Аниқроғи, мавжуд қонунларга чап бериб, кўча-кўйда, турли тақиқланган жойларда, ҳатто ўз хонадонидида хорижий валютани алмаштиришни ўзларига касб қилиб олганлар учрамоқда.

Қонун олдида жавобгар



Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тadbирда Урганч шаҳар, А.Ибрагимов кўчасида яшовчи фуқаро Комил Омонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) харидор Эркин Собиров билан 110 мил-

лион сўм эвазига 13 минг АҚШ долларини сотишга келишиб, уйи олдида унга 2 200 АҚШ долларини берган вақтида ушланди.

Холислар иштирокида фуқаро К.Омоновнинг ёни кўздан кечирилганда, унда 50 АҚШ доллари, 80 минг Россия рубли, 141 500 қозоқ тенгеси ҳамда 140 минг сўм пул борлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилди.

Терговга қадар ўтказилган текширув мобайнида Комил Омонов томонидан 13000 АҚШ доллари, яъни расмий курс бўйича 108 миллион 863 минг 300 сўмлик валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказишга ҳаракат қилингани аниқланди.

Қилмиш — қидирмиш, деганларидек, энди ушбу ҳуқуқбузар қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Баҳриддин АЗИЗОВ,
Департаментнинг Чироқчи туман бўлими бошлиғи

Шифокор баднафс бўлса...

Туппа-тузук, эл ҳурматида бўлган, оқу қорани таниган, олий маълумотли, боз устига қонун-қоидадан яхши хабардор одам жиноят кўчасига кириб қолса-я... Эшитган одамнинг бунга ишонини қийин...

Муродбек ҒОҒУРОВ,
Департаментнинг Оққўрғон туман бўлими бошлиғи

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига қарашли "Қонқа" қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори бўлиб ишловчи Гули Акбарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нафисига қўл бўлган аёллар хилидан чиқиб қолди. У қабулига келган бемор Ҳамида Жабборовадан "хизмат ҳақи" талаб қилди. Унга оилавий шароити оғирлигини тушунтирган аёлга бусиз ёрдам беролмаслигини айтиб, ишни пайсалга солаверди.

Йигирма йилдан буён суяк касаллигидан азият чекиб келаётган Ҳ.Жаббарова туман тиббиёт бирлашмаси рўйхатида турарди. У ҳар уч ойда ўзининг ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктига бориб даволанарди. У 2-гурӯх ногиронлиги бўйича маълумотнома олиш мақсадида керакли ҳужжатларни йиғади. Унга фақатгина қишлоқ врачлик пунктидан олиш керак бўлган ҳужжат етишмаётганди. Чорасиз қолган аёл яна ёрдам сўраб, Г.Акбаровага учрашди. Бу сафар ҳам ўз шартини қўйган "оқ халатли мададкор"га бемор "Қозғистоннинг 10 минг танга пу-

лини олиб келдим, шунга рози бўл", дейди. Бироқ шифокор ҳозирда турмуш ўртоғи ишламаётганини рўқча қилиб, кўпроқ пул кераклигини айтди.

— Агар менга 500 минг сўм олиб келсангиз, сизга 2 йиллик "випска" қилиб бераман. Эртага тайёр бўлади — дейди.

Ҳамида Жаббарова ўйлаб-ўйлаб ноилоҳ Г.Акбарованинг талабига розилик билдиради. Шифокорнинг хонасидан чиққан Ҳамида туман прокуратурасига мурожаат қилиб, тамагирнинг танобини тортиб қўйишларини сўрайди...

Ҳ.Жаббарова Департаментнинг туман бўлими ходимлари қақирувига биноат 2019 йил 10 январь куни қишлоқ врачлик пунктига келиб, шифокорга 400 минг сўм беради. Пулни олган Г.Акбарова беморнинг номига юритилган амбулатор картасига унинг ҳақиқатда даволанмаган кунларига даволангани, муолажа олгани ҳақида маълумотлар киритиб, ҚВП мудирасининг ўрнига ўзи имзо қўйиб тайёрлаган сохта ҳужжатларни беморга тақдим қилганида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман судида тамагир шифокорнинг қилмишлари атрофлича муҳокама қилиниб, суд ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланди.



ШАЙТОНГА «ДАРС» БЕРГАНЛАР

Фаргона туманининг Хонкиз кишлоғилик ўрта маълумотли, қирқ ва қирқ олти яшар судланувчилар битта маҳалла, битта кўчада яшаган. Ниёзбек ва Субҳонали (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Енгил автомобиллар бозорига чиқиб юриб, даллоллик «хунарини», машинасини сотиш илинжида бўлган кишилар билан муомала «илми»ни пухта эгаллашган.

Харидор бўлиб, савдолашаётиб, бирон-бир сабаб билан енгил автомобилни тезроқ ёки айтган нархига сотишга умидвор, олдинга аванс тариқасида пича пул бериб, қолганини кейинроқ тўлашлари, муайян муддатли «вариант» (насия)га кўндирса бўладиган соддадилларга қармоқ ташлашган.

2017 йилнинг март ойида фуқаро Р.Ахматов шайтонга дарс берадиган «устаси фаранг»ларнинг қармоғига илинган. У билан савдолашгандай бўлиб, автомобилни насияга 5200 АҚШ долларига сотиб олишга келишишган. Пулини икки ой муддатда келтириб беришга ишонтаришган. Тилхат ёзиб бериб, «Спарк» русумли машинасини миниб кетишган. Бу орада уяли алоқа телефонидан гаплашиб туришган. Автомобилни эса бошқа бировга «Ишончнома» қилдириб берамиз, дея алдаб, 4800 АҚШ долларига сотиб юборишган. Бу пулининг бир қисмини илгари насияга олган машина эгасига тўлашган.

Орадан икки ой ўтса-да, Р.Ахматовга пуллари келтириб беришмаган. Телефонларини ўчириб қўйиб, соддадилни доғда қолдиришган.

Юлдузни бенарвон ура оладиган фирибгарлар 2017 йилнинг август ойида олтиариқлик А.Жумаевнинг машинасига харидор бўлишади. Оилавий корхонаси ҳисобида бўлган «Ласетти» русумли автомашинасини 11 500 АҚШ долларига сотишга, 10 000 долларини ҳозир санаб олиб, қолганини кейин олишига кўндирди. Машинани миниб кетиб, уни фуқаро Н.Санаевга 9 300 АҚШ долларига сотиб юборишади. Сўнгра, тагин А.Жумаевни аврашади. Унинг ўз номида бўлган «Ласетти» русумли автомобилни «вариант» асосида (насияга) пуллари икки ой ичида тўлиқ



ли фуқаро Н.Исақов «Нексия-2» русумли автомобилни сотмоқчилигидан хабар топилди. Уни ҳам дарёга бошлаб бориб, сугормай келиш режасини тузишади. Енгидан ки-

Судланувчилар Ниёзбек Жиянов ва Субҳонали Сотибдиев юқоридаги йўсинда салкам 40 нафар фуқарони чўв туширишган. Турли русумдаги енгил автомобилларини «вариант» (насия)га аввалдан аванс бериб ёки қуруқ ваъдаларга ишонтариб, тўлиқ пулини кейин келтириб бериш шартли билан сотиб олгандай бўлиб, алдаб қўлга киритган автоуловларни бошқа бировларга арзонроқ нархда пуллаб юборишган. Алдов йўли билан қўлга киритиб сотиб юборишган автомобиллар пуллари муайян қисмини аввал алданган машина эгаларига тўлаб, муайян қисмини шахсий эҳтиёжларига сарфлашган.

Бахтиёр БОБОКУЛОВ,
Кувасой шаҳар прокурори

Жиноий қилмишлари жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланган фирибгарларнинг ҳар бирига 8 йилдан озоқликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Суднинг ҳукми билан маҳкумлардан жабрланувчиларга етказилган зарар ундириладиган, жабрланганларнинг айримларига ашёвий далил тарзида қўйилган тақиқни ечган ҳолда автомобиллари қайтариладиган бўлди. Шунингдек, бир неча жабрланганлар етказилган зарарни ундириш хусусида фуқаролик судига мурожаат этишлари лозимлиги таъкидланди.

Ушбу жиноят иши мисолида кўрганимиздек, амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмаслик фирибгарларнинг тегиримонига сув қўйиш билан баробар. Ақсарият автомобиль эгалари дастлаб сотиб олганларида олди-сотди шартномасини тузишган, нотариал тасдиқлашти олишган. Автомашиналарини сотаётганларида ҳам озаки келишмасдан, белгиланган тартибда нотариал идораларида олди-сотди шартномаларини тасдиқлашти олганларида алданиб қолишмасди.

Фирибгарлар бир фуқарони икки марта чўв туширишди.

Бериш шартли билан 8 000 АҚШ долларига «сотиб олишди». Машинани миниб кетиб, бошқа бировга пуллашади. Орадан икки ой ўтиб кетса-да, ваъда қилинган 1 500 ва 8 000 АҚШ долларини ололмаган А.Жумаев бошини қайси деворга уришни билмай қолади.

2017 йилнинг куз фасли бошида Ниёзбек ва Субҳона-

риб, ёқасидан чиқиб, авраб автомашинасини «вариант» бўйича 7 100 АҚШ долларига сотиб олишди. Унга аввалдан 2 100 АҚШ долларини бериб, қолган 5 000 долларни 45 кундан кечиктирмай тўлашни «ваъда» қилиб, автомобилни қўлга киритишди. Шу кетганларича қайтиб қораларини кўрсатишмайди.

«Бир сакрадим — қутулдим, бир сакрадим...»

Сарлавҳани ўқиб, мазкур ибора билан боғлиқ сохта фолбин ҳақидаги ибратомуз ривоят ёдингизга тушган бўлса керак. Гарчи, ривоят сўнггида фолбин вазиятдан чиқиб кета олган бўлса-да, шишонлик Элбек Ҳафизов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бунинг уддасидан чиқа олмади. Аниқроқ айтганда, қонун бунга йўл қўймади.

Телефонига пул ўтказиш мақсадида Нишон туманининг Нуристон шаҳарчасидаги «Paynet»га борган Элбек атрофдаги дўконларни кузата туриб, хаёли бузилди. Айниқса, ёш-яланг билан гавжум телефон аксессуарлари билан савдо қилувчи дўкон унинг диққатини тортди. Дўконнинг алюминий профилли ромлардан қурилганини кўргач, беихтиёр кўнглидан осонгина ўғирлик қилса бўларкан, деган фикр ўтди.

Уйга қайтгандан кейин ҳам ўша дўкон хаёлидан кетмади. Ярим тунга қадар безовталаниб, ухлай олмади. Ўрнидан туриб, оила аъзоларининг ширин уйқудалигини билгач, сумкасини елкасига илганича, кўчага чиқди. Кундузи режа қилганидек, мўлжаллаб кетган дўкон ёнида тўхтади.

Атрофнинг қоронғу ва кимсасизлигидан фойдаланиб, қўлга тош олди. Кейин фуқаро Ш.Бердиевга тегишли бўлган дўконнинг ойнасини синдириб, ичкарига кирди. Элбек телефон қувватланувчи воситалар, қулоқчилар, USB кабеллар, 3 донга-телефон аппарати ва флешкалар, жами 13 миллион 990 минг сўмлик мол-мулкни ўмариб, ортига қайтди.

Минг хавотир билан уйига етиб келган Элбек ўғирлаган нарсаларини уйдагилар билиб қолишдан қўрқиб,

Дилфуза ҚҶҶОРОВА,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

ҳовли четидаги дарахт остига яширди. Тонг отгач, Косон туманига бориб, арзимаган пулга сотиб юборди.

Элбек Ҳафизовнинг мазкур жиноий иши ўзи кутганидек фош бўлмади. Шу боис, у ўзини маҳоратли ўғирлардек ҳис эта бошлади. Орадан икки ой ўтгач, «ов»га чиқишга қарор қилди. Ярим тунда яна Ш.Бердиевнинг дўкони олдида пайдо бўлди. Эшикни ичкарига итариб кўрган эди, қия очилгандек бўлди. Куч билан бузиб, ичкарига кирди. Ўтган галгидек, ишни телефон жиҳозларини ўмаришдан бошлади.

Элбек ўз иши билан машғул бўларкан, беихтиёр дўконга ўрнатилган видеокамерани кўриб қолди. Сири фош бўлиб қолишдан қўчиб, камерани ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Аммо камеранинг асосий мосламаси бурчақдаги сейфага жойлаштирилган экан. Элбек бунинг ҳам йўлини топди. Уйига қайтиб, темир кесадиған ускуна («болгарка») олиб келди. Ускуна билан сейфни бузиб, ундаги пуллар ва телефонларни ўғирлаб ортига қайтди. Аввалгидек, ўмарган нарсаларини Косон туманига олиб бориб сотиб, пулини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди.

Бир марта омади келган йигитнинг бу гал омади чопмади. Тергов-суриштирув чоғида унинг қилмиши фош этилди. Элбек ортиқча қаршилик кўрсатиш бефойдалигини билгач, айбини тан олишга мажбур бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани суди томонидан мазкур иш муҳокама этилиб, Элбек Ҳафизовга 5 йил муддатга озоқликни чеклаш жазоси тайинланди. Ҳаётининг навқирон дамларида эзгу ишлар қилиш ўрнига, жиноят йўлини танлаган йигит бу вақт давомида қилмишларидан ҳулоса чиқариб олса, ажаб эмас.

Умид Алимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг қўшимча қурган уй-жойи бузилишга тушди. Иморат бузилиб, бўшаган ер бошқа фуқароларга бўлиб берилиши юзасидан суд қарори чикарилди. Оила аҳлининг тиш-тирноғи билан қаршилигига қарамай ижрочилар ишга киришди. Уларнинг ишига қаршилик қилган Умид ва онасининг иши судга оширилди. Шундай вазиятда Умид адвокатга мурожаат қилишга қарор қилди. Таъниш-билишлардан сўраб, Аликул исмли кишига учрашди.

Адвокатнинг найранглари

Улугбек ФАРМОНОВ,
Самарқанд шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси

Аликул Темиров бир неча йиллардан бери Инсон ҳуқуқлари мустақил ташкилоти аъзоси, кейинчалик эса мазкур ташкилотнинг вилоят бўлими раиси лавозимидан ишлаб келади. Хизмат вазифаси фуқароларнинг мурожаатларига асосан уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Муқаддам икки мартаба судланиб, тегишли жазога тортилган бу кимсаннинг кўзи ҳанузгача очилмаган экан. Унинг ҳуқуқий кўмағига муҳтож бўлиб, йўқлаган Умид ва отаси Дилмуродни ўз уйига чақирди. Муаммоларини эшитгач, мақсадга кўчди.

— Бу ишда тергов жараёнида ҳам, судда ҳам адвокат сифатида қатнашишим мумкин. Фақат ордер олишим керак, — деди ва улардан 600 минг сўм сўради.

Умид ишлари тезроқ битишини ўйлаб, «Сиздан угина, биздан бугина» қабилда иш кўраётган адвокатга айтилган пулни олиб келиб берди. Аликул бу пуллари ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборди.

Кейинги гал Аликул Дилмурод билан автошоҳабкатда учрашди.

Суд қарорини бекор қилиш масаласида ташкилот мутахассислари билан маслаҳатлашиб келиши лозимлигини айтиди. Йўл харажатларига деб, ундан 100 минг сўм ва 50 АҚШ долларини олди.

Ота-бола алданганини сезишмади. Тезроқ яхши натижага эришиш учун адвокатнинг галларини маъқуллашдан бошқа чора топилмади. Аммо уларнинг мушкул аҳволидан нафис ҳақалак отган Аликул усталик билан фойдаланаётгани хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Кейинги сафар ҳам Аликул пул ундиришнинг ишончли усулини қўлади.

Суд қарори устидан Тошкентга бориб шикоят-ариза беришни ваз қилиб, улардан яна 100 минг сўм олди.

Бундай ишларда устаси фаранг бўлиб кетган адвокат қўлидан бир иш келса-келмасда-да ўзига ишонч билдириб, умид қилаётган кишиларни аврашда давом этди. Ҳар сафар бир бахонани рўқач қилиб, моддий манфаат кўришни ўйларди.

Бўлиб ўтган суд жараёнида турли бахоналарни рўқач қилиб қатнашмаган А.Темиров пул керак пайти Умиднинг кўнғироқларига жавоб беради.

Суд ҳукми билан У.Алимовга нисбатан амнистия қўлланилиб, жазодан озоқ қилинди. Аммо онаси жаримга тортилди. Улар яна кўришганда адвокат суд ҳукмига нисбатан апелляция шикояти бериш бахонаси билан Умиддан яна пул ундиришмоқчи бўлди.

Умиднинг сабр касоси тўлиб тошди. Аликулнинг олди-қочди гапларига ортиқ ишонини истамади. Унинг устидан тегишли жойга арз қилди.

Тамагир адвокат йигитдан 3 миллион сўм пулни олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан А.Темиров 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга 17 миллион 224 минг 125 сўм жарима жазоси тайинланди.

Икки давлатнинг меҳнат ресурслари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги келишув иборасида БААга вақтинчалик иш билан таъминлаш учун Ўзбекистоннинг 1 миллионга яқин фуқаросини юбориш режалаштирилмоқда.



FAOLIYATIDAN

Жойларда айрим фуқаролар томонидан қонун талабларига риоя қилмаслик, Мажбурий ижро бюроси ходимларининг фаолиятига қаршilik кўрсатиш, турли ҳақоратомуз сўзлар ишлатиб, уларга тан жароҳати етказиш ҳолатлари учраб турибди.

Шу йилнинг 30 январь куни Мажбурий ижро бюросининг Андижон туман бўлими давлат инспектори М.Шодмонов электр энергиясидан фойдаланишнинг қонунийлигини текшириш мақсадида ўзига бириктирилган Бешбўйноқ маҳалласи Бодомзор кўчасида яшовчи фуқаро Л.Тошалиевнинг хонадонига боради. У хонадон эшигини тақиллатганида, уй эгасининг

Зўравонларга жазо тайинланмоқда

қариндоши М.Тўйчибоева чиқиб, уйда ҳеч ким йўқлигини маълум қилади.

Давлат инспектори М.Тўйчибоеванинг иштирокида текширув ўтказган вақтда хонадонга ўрнатилган ҳисоблагич электрон дастурга киритилмаганлиги маълум бўлади. Ҳолат юзасидан инспектор далолатнома расмийлаштириб, хонадонни электр тармоғидан узиб қўяди.

Шундан сўнг хонадон соҳиб-би уйдан чиқиб, давлат инспекторидан электр тармоғига улаб қўйишини талаб қилади.

Инспектор тармоққа қайта улашни тартибини тушунтираётган вақтда Л.Тошалиевнинг укаси С.Азимов хонадондан болта олиб чиқиб, давлат инспекторига куч ишлатмоқчи бўлади. Шунда ака уканинг қўлидаги болтани олиб қўйиб, давлат инспекторидан хизмат гувоҳномасини кўрсатишини сўрайди.

М.Шодмонов хизмат гувоҳномасини кўрсатиш учун олаётган вақтда фуқаро Л.Тошалиев унинг юз қисмига мушт билан уради. Натижада у йиқилиб тушади ва ака-ука уятли сўзлар билан давлат инспекторини ҳақорат қилиб, унга тан жароҳа-

Элдор МУРАДОВ,
Бош прокуратура хузуридаги
МИБ бошқарма бошлиғи

ти етказишади.

2019 йил 12 апрель куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди ўшбу ҳолат бўйича ишни кўриб чиқиб, Жиноят кодекси 105-моддасининг 1-қисмига асосан Л.Тошалиевга 3 йил озодликдан чеклаш жазосини тайинлади.

Истеъмоқчилар фойдаланилган табиий ресурслар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бориши, шунингдек, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш, мажбурий ундирув чораларини кўриш Бюро ходимларининг вазифаси эканлигини англамоқлари лозим.



Уруслан САГДИЕВ,

МИБ Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Тармоққа ноқонуний уланган коллеж

Бюронинг Дехқонобод туман бўлими томонидан фойдаланилган энергия ресурслари учун тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ундириш, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улаш, талон-торож қилиш, энергия ресурсларини ноқонуний истеъмоқ қилишнинг бошқа ҳолатларини аниқлаш борасида тадбирлар ўтказилганда кўплаб қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, МИБ Дехқонобод тумани бўлими ходимлари томонидан Дехқонобод туманидаги касб-хунар коллежларидан бирида табиий газ сарфи бўйича мониторинг ўтказил-

ганда, у ерда рухсатсиз, ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўзбошимчилик билан газ ҳисоблагични ечиб олган ҳолда коллеж маъмурий биносини иситиш учун табиий газдан фойдаланиб келинаётгани аниқланди. Коллеж бу ноқонуний ҳаракати билан давлат ва жамоат манфаатларига 11 миллион 520 минг сўм зарар етказган. Эндиликда коллеж маъмурияти етказилган зарарни, ноқонуний ҳаракат учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига асосан қўлланилган маъмурий жаримани ҳамда тармоққа қайта улаш учун тўловни амалга оширгандан сўнггина тармоққа қайта улаб берилади.

Кейинги 16 йиллик учун алимент

Алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати даврий ундирув ҳисоблангани сабабли алимент тўловчиларнинг Ўзбекистон Республикасидан четга чиқиш ҳуқуқлари вақтинча бекор қилинади. Ўз навбатида чекловни бекор қилиш "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 42'-моддасига асосан амалга оширилади.

Хусусан, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдидан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тўзилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятидан озод этилади ва унинг четга чиқиш ҳуқуқлари тикланади.

Бюронинг Сарийосиё туман бўлими иш юритувида бўлган фуқаролик ишлари бўйича Сарийосиё туманлараро судининг 2017 йил 12 декабрдаги буйруғига асосан М.Мирзаевдан ундирувчи Н.Мелибоева фойдасига вояга етмаган бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун барча ишлаб

толган даромадидан алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўлим юритувида келиб тушган. М.Мирзаев собик турмуш ўртоғи билан ўзаро келишиб, фарзандининг 18 ёшгача бўлган таъминот пуллари, яъни 2019 йил 1 апрелдан 2035 йил 7 майга қадар бўлган алимент пуллари — 76 миллион 443

минг 900 сўмни тўлиқ олгани сабабли Мажбурий ижро бюроси томонидан унинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқлари тиклаб берилди.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддасига асосан ижро иши юритиш таомланди.



Дилафрўз ҚУРБОНОВА,
МИБ Сурхондарё вилоят
бошқармаси
катта инспектори
Мингбобо ТОҒАЕВ,
МИБ Сарийосиё туман
бўлими катта инспектори



Бола кўнгли ўксимасин!

Азизбек САЙДАЛИЕВ,

МИБ Олтиариқ туман бўлими бошлиғи

Тинч-тотув оилада фарзандлар ҳар хижатдан барқамол бўлиб вояга етдилар. Оилада тушунмовчилик, келишмовчилик бўлиши табиий. "Эр-хотиннинг уриши — доқа рўмоннинг қуриши", деганларидай, дили пок, инсоф-диёнатли, ақл-идроқли ота-оналар бир-бирларига ён босиб, оила риштаси узилишига йўл қўйишмайди. Афсуски, худбинлик туфайли болаларнинг келгуси тақдирига қайғурмасдан, ади-бади айтишиб, бир-бирининг дилини жароҳатлаб ажралишлар оқибатида норасида фарзандлар ё ота, ё она меҳридан бебахра бўлиб қолмоқда. Маҳалла-қўй, мутасаддилар, жамоатчилик томонидан бундай ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

Суд жараёнида 5 та оила тикланди, 4 нафар шахс алимент пулларини тўлади.

Ҳафтанинг пайшанба куни жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар келиб чиқишининг сабаблари ўрганилмоқда. Оилавий низоларни бар-тароф этиш, унинг олдини олишга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, сайёр суд мажлисларида ибрат бўлиши учун фарзандлари таъминотидан бўйин товлашга оид ишлар кўриб чиқилмоқда.

Туман маъмурий суди томонидан жорий йилнинг 3 ойи мобайнида фарзандининг нафақа пулларини ўз вақтида тўламай келган 28 нафар шахснинг иши кўрилди. Эътиборли жиҳати, суд жараёнида 5 та оиланинг ярашишига эришилди. 4 нафар шахс алимент пулларини тўлади. Фарзандининг таъминотидан бўйин товлаган 19 нафар отага нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

Фарзанд — оила гултоғи, дейдилар. Олимларнинг фикрларига кўра, бола 5 ёшгача қандай муҳитда тарбиялангани, нимадан қувонгани-ю, нимадан таъсирлангани келгуси тақдирда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ота ва она етти ўлчаб, бир кесишса, фарзандлари келажагини ўйлаб, ажралмасдан муросаи-мадора қилишса, оила риштаси узилмайди.

67 ойлик қарз

Музаффархўжа МАСЛАНОВ,

МИБ Мирзо Улугбек туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиб, фарзандига алимент пулларини тўлашдан бош тортиб келган қарздор оталарга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

Жумладан, қарздор А.Қаландаров 41 ойдан буён вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келган. Бу вақт мобайнида алиментдан қарз миқдори 13 миллион 935 минг 582 сўмга етган. Қарздор А.Бибарцев эса 52 ойдан ортиқ вақт давомида 14 миллион 964 минг 584 сўм алимент пулларини тўлашни ҳаёлига ҳам келтирмаган.


И.Абдурафиков деган фуқаронинг 5 ойдан буён тўланмаган алимент пуллари 2 миллион 313 минг 380 сўмга етгани ҳисоблаб чиқилди. Жорий йилнинг 9 апрель куни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига асосан қарздорга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Буни қарангки, И.Абдурафиков жазо тайинланганидан сўнг алимент пулларини тўлаб берди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Қарздор М.Исламов 23 ой, қарздор А.Тухтаев 17 ой давомида алимент пулларини ўз вақтида тўламаганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Қарздор А.Потапов алимент тўламасликда уларнинг барчасини орта қолдирибди. У 67 ойдан ортиқ вақт мобайнида қонун билан зиммасига юкланган мажбуриятини ақалли эслаб ҳам қўймаган. Тўлашни лозим бўлган алимент пуллари миқдори эса 28 миллион 447 минг 320 сўмга етган.

Қарздорларга нисбатан вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

ЖАЗО ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ



Жорий йил 2 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан қонунчиликка бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, Жиноят кодексида учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди.

Мазкур ҳаракатлар оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар 6 ойдан сўнг қучга қиради.

Бундан ташқари, мазкур қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

дексда муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Унга кўра, асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини тақрорлаш, тарқатиш ҳуқуқбузарлик қуролларини мусодара қилиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан (202 минг 730 сўмдан) беш бараваригача (1 миллион 13 минг сўмгача), мансабдор шахсларга эса 5 бараваридан (1 миллион 13 минг сўмдан) 10 бараваригача (2 миллион 27 минг сўмгача) жазо солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, ихтирога, фойдала моделга ва санат намунасига бўлган ҳуқуқларни

ҳамда шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик чоралари белгиланди. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга шахарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун фуқаролар энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан (1 миллион 13 минг сўмдан) 10 бараваригача (2 миллион 27 минг 300 сўмгача) жазо солишга сабаб бўлади. Илгари фақат мансабдор шахслар учун жавобгарлик мавжуд эди.

Шунингдек, бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузганлик учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан (4 миллион 54 минг 600 сўмдан) 30 бараваригача (6 миллион 81

минг 900 сўмгача) жазо солишга сабаб бўлади.

Эндиликда, фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер майдонларида қурилиш ишларини олиб бориш:

— фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 70 бараваридан (14 миллион 191 минг 100 сўмдан) 100 бараваригача (20 миллион 273 минг сўмгача);
— мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан (20 миллион 273 минг сўмдан) 150 бараваригача (30 миллион 409 минг 500 сўмгача) жазо солишга сабаб бўлади.

Эслатиб ўтамай, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар 3 ойдан сўнг қучга қиради.

Ўз мухбиримиз

MUNOSABAT

СУД БАЛЛИСТИКАСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ахборот технологиялари ва компьютер техникаси воситалари суд-экспертиза соҳасида тобора кенг қўлланилмоқда. Суд-баллистика экспертизаларини ва бу соҳага оид илмий тадқиқотларни ўтказиш куйидаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб олади.

Жумладан, ўқотар қуролларни отилган ўқ ва гильзалардаги изларга кўра идентификация қилиш; ўқотар қуролдан отиш излари бўлган ўқ ва гильзаларнинг криминалистик ҳисобларини юритиш; ўқотар қуроллар, патронлар, қурол ва жанговар ўқдорилардаги маркировка белгилари бўйича электрон ахборотлар (маълумотлар базаси) тизимини яратиш ва ҳоказо.

Суд баллистикасида ўқотар қуролнинг созлиги ва отиш учун яроқчилиги, снаряднинг учиш йўналишини ҳисоблаш, ўқнинг учиш тезлигини аниқлаш каби вазифалар ҳал қилинади. Соҳадаги энг муҳим ва мураккаб вазифалардан бири ўқотар қурол қисмларини отилган ўқ ва гильзаларда акс этган изларига кўра идентификация қилиш ҳисобланади.

Бу каби тадқиқот объектини маълумотлар базасида юзлаб ва минглаб объекتلарга эга бўлган микроскоп остида текшириш узок муддат (ойлаб, йиллаб) талаб этадиган оғир меҳнат ҳисобланади. Компьютер техникаси воситаларининг тақомиллашиши, замонавий технологияларнинг суд-экспертиза соҳасига татбиқ этилиши ўтган асрнинг 90-йилларида дастлабки баллистик идентификация тизимларини яратиш имконини берди. Бундай тизимлар тегишли белгиларни излаш ва солиштириш жараёнларини осонлаштирди ҳамда суд-экспертиза меҳнатини енгиллаштирди.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли давлат-

ларида куйидагича автоматлаштирилган тизимлар фаолият юрлатади: Drug Fire (АҚШ), IBIS (Канада), Арсенал, ТАИС, Кондор (Россия). Бундай тизимлар куйидаги қисмларни қамраб олади:

- 1) сканерловчи қурилма (баллистик сканер);
- 2) сканер билан уланган платали шахсий компьютер;
- 3) дастурий таъминот.

Европа давлатларида кенг қўлланилаётган, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган тизимлардан бири Санкт-Петербург шаҳридаги "Ахборот хавфсизлиги ва махсус техник воситалар билан таъминлаш махсус Маркази" томонидан ишлаб чиқилган "Кондор" баллистик идентификация тизими ҳисобланади. Бу тизимда керакли тасвирларни юқори аниқликда олиш имкониятига эга бўлган ёзув услуби қўлланилади. Бу тизим қўлайлиги, бошқарилишининг осонлиги, ишончилиги ва нархининг арзонлиги билан ажралиб туради. Тизим учта асосий тартибда ишлайди: телемикроскоп, гильзахона (гильзотека) ва ўқхона (пулетека).

Баллистик идентификация тизимлари (мажмуа) суд-баллистика соҳасидаги яна бир муҳим ва мушкул вазифа — ўқотар қуроллар излари мавжуд бўлган ўқлар, гильзалар ва патронларнинг ҳисобини юритишда ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай криминалистик ҳисобнинг вазифаси — айнан бир нусха (русум)даги ўқотар қуролни — бир неча турли жиноятлар (турли вақтлар ва турли ҳудудлар)нинг содир этилганлик ҳолатини аниқлашдан иборат. Бу каби криминалистик ҳисоблар мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика бош маркази базасида юритилади.

Бугунги кунда Россия Федерацияси ИИБ Эксперт-криминалистика маркази ва бошқа етакчи суд-экспертиза муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда мунтазам янгиланиб бориладиган электрон

маълумотлар ва каталоглар экспертиза амалиётида кенг қўлланилмоқда. Бунга мисол тариқасида электрон маълумотли тўпламларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқоридаги каби ахборот манбалари турли қуроллар, отувчи мосламалар, жанговар ўқ-дорилар ва бошқа тадқиқот объектлари ҳақидаги керакли маълумотларни тез топиш имконини беради. Тадқиқот объектларининг ўн минглаб номдаги турлари мавжуд бўлган ҳозирги кунда ахборотларнинг электрон базалари ва электрон вариантдаги махсус адабиётлар эксперт-баллистикага беқийёс ёрдам беради.

Компьютер технологиялари ва рақамли техника суд-баллистика экспертиза ва ушбу турдаги экспертизаларга оид хусусий вазифаларни самарали ва ижобий ҳал қилишда кенг қўлланилмоқда. Хусусан, бу каби технологиялар ёрдамида снаряднинг учиш траекторияси, тўғри отиш узоқлиги, отилган ўқнинг, унинг шакл коэффициенти ва ҳавонинг қаршилик кучини инобатга олган ҳолда, исталган вақтдаги учиш тезлигини тегишли компьютер дастурлари ёрдамида ташқи баллистиканинг формуллари орқали ҳисоблаш имкони мавжуд.

Ҳозирги вақтда суд баллистикасида компьютер технологияларини қўллагандан бажариладиган бир қатор операциялар (ҳаракатлар) ҳам мавжуд. Бирок, компьютер ва рақамли технологияларнинг жадвал ривожланиши ва тараққи этиши инобатга олинса, суд-баллистика соҳасида долзарб муаммолар ва бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар тез ва қисқа вақтларда ўз ечимини топади, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Эркин ЧУРЯКОВ,
Х.Сулаймонова
номидаги Республика суд экспертизаси
маркази давлат суд эксперти

Келгуси сонда ▶

Долзарб мавзу

ТАРБИЯ
ТАЪЛИМ-
ДАН УСТУН
ТУРАДИ-
МИ?..

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djxonqir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Baxtiyor NAZAROV
Kamoliddin ASQAROV

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-3391.

18 451 nusxada bosildi.

Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terifi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G'ALIMOV

Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonada terifi: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda

0188-raqam bilan to'xtatib olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Собиржон ҚОБИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ташкент вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори Нурулло Юнусовга волидаи муҳтарамаси

Саломат ЮНУСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Наманган вилоятидаги Мингбулоқ нефть конини ўзлаштириш бўйича инвестиция лойиҳасига асосан синов тариқасида биринчи нефть қазиб олинди.

МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ!

Эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон Анваржон Каримов кутлуг 60 ёшни қарши олди.



У прокуратура органлари тизимидаги хизмат фаолияти давомида Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси тизимида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Камтарлиги, фидойилиги, хизмат бурчиға содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматиға сазовор бўлди.

Анваржон Каримовнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Анваржон Каримов, кутлуг 60 ёшингиз муборак бўлсин! Сизға ва оила аъзоларингизға мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизға тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Департаментнинг Наманган вилояти бошқармаси жамоаси

Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида муҳим функцияларнинг бир қисми жамоат ташкилотларига, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳаллаларға берилгани унга бўлган ишончини билдиради.

САЙЛОВ ОШКОРА ЎТДИ

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида шаклланган маҳалла институти ҳукуматимизнинг жойлардаги муҳим таянчи сифатида аҳолининг тинч-тотув, фаровон яшаши учун зарур шарт-шароит яратиш, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда ноёб бошқарув идораси бўлган маҳалланинг жамиятни ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шунга мос равишда унинг вазифалар қўлами ҳам тобора кенгайиб бораёпти. Бу эса маҳалла институтини бугунги талаблар даражасида ривожлантириш, тизимда фаолият олиб бораётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий билимларини ва уларнинг бошқарувчилик маҳоратини янада оширишни тақозо этмоқда.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови ўтказилмоқда. Бу йил шу жараёнларға ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Чунки фуқаролар ўз



Норбўта ҲОЗИЕВ,
"НУҚУҚ"

тақдирини ўзи яшайдиган маҳалла билан боғлаб, ушбу ноёб таъзимнинг бугуни ва эртасига ишонч билдирмоқда.

Бу йилги сайловларда Қашқадарё вилоятидаги 768 та маҳалла фуқаролар йиғини раислигиға энг муносиб номзодлар сайланади. Сайлов ёшиға тўлган қарийб 2 миллион 24 минг воҳадлошларимиз орасидан ташкилотчи, эл орасида ҳурмат-эътибор қозонган 242 минг 900 нафардан зиёд фуқаро сайловларда вакил сифатида иштирок этади.

3300 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган Қарши шаҳридаги Қиличбек қўрғонча маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган сайловда ҳам ҳар бир вакил конституциявий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланган ҳолда муносиб номзодға овоз берди. Сайлов натижаларига кўра, 78,1 фоиз овоз тўплаган Анвар Ҳакимов маҳалла раиси лавозимини давом эттирадиган бўлди. Яна бир номзод Азиза Койилова эса 21,9 фоиз овозға эға бўлди.

— Узоқ йиллардан буён шу маҳаллада яшаганим сабаб ҳудуднинг барча таъвишу муаммоларидан хабардорман. Маҳаллошларимнинг ишончини оқлаш учун янада жон куйдириб ишлашға ваъда берман, — дейди Анвар Ҳакимов.

РЕКЛАМА



Ҳамюртларимизни 9 май —Хотира ва қадрлаш куни билан самимий табриклайди.

Мана шу улуг айём кунида ҳаммамиз, энг аввало, уруш майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтирамиз.

Айни вақтда жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, бугун орамизда соғ-саломат юрган муҳтарам фахрийларимизға таъзим қиламиз. Илоҳим, барчаси соғ-омон бўлиб, элимиз, давлатимиз эъзозида юришсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!



12

9-MAY 2019-Y.
HILUQ N: 19
(1164)

Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Эроннинг "Персеполис" клубини 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, плей-оффға чиқиш имкониятини сақлаб қолган.